БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 22 (2313). | 1 февраль, жума, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси колхозчилари, совхоз ишчилари ва мутахассисларининг 1963 йилда дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини авж олдириш тўғрисида мамлакатдаги барча қишлоқ хўжалик ходимларига қилган чақириғи ҳақида

КПСС Марказий Комитети Краснодар ўлкасидаги Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ташаббусини маъқуллади. Улар 1963 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни анча кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига мажбурият олдилар ҳамда дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини авж олдиришга чақириб, мурожаат қилдилар.

КПСС Марказий Комитети иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармаларига, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига колхозчилар ва совхоз ишчиларининг йиғилишларида Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг мактубини кенг муҳокама қилишни, бу ватанпарварлик ташаббусини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашни тавсия этди.

КПСС Марказий Комитети ишонадики, Кубань қишлоқ меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусини мамлакат қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари кенг қўллаб-қувватлайдилар ва бу ташаббус умумпартиявий ва умум давлат вазифасини муваффақиятли амалга оширишнинг — мамлакат бўйича дон тайёрлашни 4 миллиард 200 миллион — 4 миллиард 500 миллион пудга етказиш, шунингдек гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни анча кўпайтириш учун қишлоқ хўжалигидаги ҳамма резервлардан фойдаланишнинг ғарови бўлиб хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитети «Правда», «Известия», «Сельская жизнь», «Труд», «Советская Россия» газеталари редакцияларига, шунингдек республика, ўлка ва область газеталари ҳамда ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг газеталари редакцияларига мусобақанинг боришини кенг ёритиш вазифасини топширди.

(Мактубнинг тўла тексти газетамизнинг иккинчи бетида босилган).

АНТОНИН НОВОТНИЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти Антонин Новотний Мирзачўлдаги 6-совхозда бўлганида донгдор пахтакорлар Инобат Охунова ва Эшпўлат Жумаевлар билан биргаликда суратга тушди.

А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШ

Совет кишиларини социализм ва коммунизм қуралиши йўлига киришган барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан маҳкам дўстлик алоқалари боғлайди. Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида қардошларча алоқалар узлуксиз кенгайиб бормоқда. Чехословакия Социалистик Республикаси буюк социалистик ҳамдўстликнинг муносиб аъзоси, социалистик лагерь бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш учун актив курашчидир.

Чехословакия Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалбига ҳам яқиндир.

Республика пойтахтининг меҳнаткашлари Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган сафардан ватанига қайтиб келаётган Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти Антонин Новотний ва унинг йўлдошларини 30 январда кутиб ола туриб, чехословак халқига бўлган қардошларча муҳаббат ҳисларини ёркин ифода этдилар.

Азиз меҳмонлар тушган самолёт етиб келиш олдидан Чехословакия, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортига шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари тўпланди. КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитета Ўрта Осиё бюроси раисининг ўринбосарлари В. К. Акулинцев, С. М. Веселов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов рафиқаси билан, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, З. Р. Раҳимбобоева, И. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Нажёсткин, Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал - полковник Н. Г. Ляшченко, Тошкент саноат область партия комитетининг биринчи секретари П. В. Каймаков, Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Н. Нишонов ва республика ҳамда унинг пойтахтининг бошқа партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари қардош Чехословакия вакилларини кутиб олмоқ учун бу ерга келдилар. Кутиб олувчилар орасида Чехословакиянинг СССРдаги элчиси Рихард Дворжак рафиқаси билан бор эди.

Мана, узоқ сафар қилган «ИЛ-18» самолёти ҳам келиб қўнди. Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотний рафиқаси билан ва унга ҳамроҳ бўлган Чехословакия ҳукумати раисининг ўринбосари О. Шимунек рафиқаси билан, ташқи ишлар министри В. Давид, Словакия Миллий Кенгашининг раиси Й. Ленарт ва бошқа чехословак меҳмонлар кутиб олувчиларнинг самимий табриклари остида самолётдан тушадилар.

Ш. Р. Рашидов микрофон ёнига бориб, нутқ сўзлайди:

Азиз ўртоқ Антонин Новотний! Ҳурматли ўртоқлар, азиз дўстлар!—деди у.—Сизни, азиз ўртоқ Антонин Новотний, сизнинг рафиқангизни ва Сизга ҳамроҳ бўлган масъул давлат арбоблари — Шимунек, Давид, Ленарт ўртоқларни, шунингдек ўртоқ Дворжакни, барча азиз меҳмонларни—қардош чехословак халқининг шонли вакилларини Совет Ўзбекистонининг пойтахти — Тошкентда Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан самимий табриклашга руҳсат бергайсиз.

Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган масъулиятли миссиянгиз тугагандан кейин Сизни яна кутиб олишдан биз жуда хурсандмиз ва сизларни Совет Ўзбекистонининг экономикаси, маданияти, халқининг турмуши билан таништириш имкониятига эга бўлганлигимиздан ғоят бахтиёрмиз.

Биз, совет кишилари қисқа тарихий давр ичида социалистик қурилишда катта муваффақиятларга эришган қардош чехословак халқининг фидокорона меҳнатига қойил қолмоқдамиз. Республикамизга қилган сизнинг визитингизни биз совет ва чехословак халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва махкам ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг ифодаси деб ҳисоблаймиз. Биз аминмизки, бу визит коммунизм тантанаси учун курашда бизнинг янги умумий муваффақиятларимизнинг гарови бўлади.

Ўзбекистонда бўлган вақтингизни фойдали ва кўнгилли ўтказишингизни истаб, сизни ишонтириб айтаманки, республика меҳнаткашлари сизларни энг ҳурматли ва азиз меҳмонлар сифатида самимий ва хурсандчилик билан кутиб оладилар. Ортимизга хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Антонин Новотний жавоб нутқи сўзлайди:

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! — деди у.—Бутун Ўзбек халқининг туйғулари ифодаланган табрик сўзларингиз учун Сизга, ўртоқ Рашидов ташаккур билдиришга руҳсат этгайсиз.

Биз сизнинг республикангизда икки ҳафта муқаддам, Шарқи-Жанубий Осиёдаги дўст мамлакатларга — Индонезия, Камбоджа, Вьетнам Демократик Республикаси ва Бирмага бораётган вақтда бўлган эдик. Сизнинг ажойиб мамлакатингизни кўздан кечирмоқ учун бирмунча вақтга яна сизнинг юртингизга келдик. Сизга ваъда бериб айтаманки, келгуси сафар биз анча узоқ муддатга келамиз. Ҳозир эса афсуски, узоқ туриб „қололмаймиз: ватанга қайтиб боришимиз керак, у ерда эса бизни иш кутмоқда.

Биз бўлган мамлакатлар Совет Иттифоқи ва бизнинг республикамиз билан ҳақиқатан ҳам дўстона муносабатда бўлмоқдалар. Менингча, бизнинг визитимиз ўша мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришда катта роль ўйнайди, деб ўйлайман. Сизнинг вакилларингиз ҳамма вақт халқимизнинг манфаатларини ифода этганидек бизнинг делегациямиз ҳам ҳамма жойда Совет Иттифоқи, бутун социалистик лагерь номидан иш кўрганлигини намойиш қилувчи бу олиҳиммат лик қўриқерликларни меҳнатдаги, пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашдаги муваффақиятларни янада кўпайтиришга руҳлантирди.

Меҳмонлар Мирзачўл билан танишишни 5-совхоз далаларидан бошлайдилар. Улар Сув тақсимлайдиган иншоотга эътибор берадилар. Бу ерда беш темир-бетон лоток бўйича оқадиган сув ернинг шўрини ювиш учун фойдаланилмоқда. Ҳозир қўриқерликлар учун қизғин иш пайти. Кўкламги экишга тайёргарлик кўрилмоқда. Мирзачўл совхозлари кузги шудгорлашни республикада биринчи бўлиб тугалладилар, ҳозир ерларнинг шўри ювилмоқда.

«Главголодностепстрой» бош инженери Е. И. Озерский биноқорлар ва ерларни ўзлаштирувчилар Никита Сергеевич Хрушчевнинг маслаҳатига мувофиқ, ирригация-мелиорация ишлари методларини тинмай такомиллаштираётганликлари тўғрисида Антонин Новотнийга гапиради. Мирзачўлни суғоришда темир-бетон лоточлар, сув трубопроводлари ва эгилувчан шланглар сингари прогрессив усулларданги фойдаланилмоқда. Бу усулларни қўлланиш сув ресурсларидан фойдаланиш коэффициентини оширади. Ҳозирги вақтда 376 километр лоток тармоқлари, 354 километр сув трубалари, 280 километр ёпиқ дренаж тармоқлари қурилди.

(Давоми учинчи бетда)

АЗИЗ МЕҲМОН МИРЗАЧЎЛДА

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотний 31 январда Зарафшон водисига ва Мирзачўлга сафар қилди. Антонин Новотнийнинг рафиқаси билан қилган сафарида Чехословакия ҳукумати раисининг ўринбосари О. Шимунек рафиқаси билан, ташқи ишлар министри В. Давид, Словакия Миллий кенгашининг раиси И. Ленарт, Чехословакиянинг СССРдаги элчиси Р. Дворжак рафиқаси билан ва бошқа чехословак меҳмонлар иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов Антонин Новотнийнинг Ўзбекистон бўйлаб қилаётган сафарида унга ҳамроҳ бўлмоқдалар.

Самарқанд аҳолиси чехословак дўстларни зўр самимият ва хурсандчилик билан табрикладилар. Вокзалда Антонин Новотнийни ва унинг йўлдошларини саноат область партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари О. Маҳмудов ва областнинг бошқа раҳбар ходимлари, шаҳар меҳнаткашларининг кўпгина вакиллари кутиб олдилар.

Меҳмонлар ўзбек халқи қадимий маданиятининг бойликларини ўзида акс эттирган Самарқанднинг тарихий ёдгорликларини кўздан кечирдилар. Ўзбекистоннинг йирик саноат маркази бўлган бу шаҳарнинг ҳаёти билан, областда пахтачиликнинг ривожланиши билан қизиқдилар.

Самарқанд партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳурматли меҳмон шарафига зиёфат ташкил қилдилар. Бу зиёфат ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Бўлган суҳбат вақтида Антонин Новотний таъкидлаб ўтдики, Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқларини, жумладан Ўзбекистон халқларини мақсаднинг умумийлиги бирлаштиради. Шу сабабли шу халқларнинг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдамини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш зарур.

Чехословакия юксак даражада тараққий этган тўқимачилик саноатига эга, лекин ўз пахтасига эга эмас. Бу саноатнинг ана шу қимматли хом ашёга бўлган эҳтиёжи йил сайин ўсиб бормоқда. Айни вақтда Ўзбекистон пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун катта имкониятларга эга. Бу соҳада бизнинг манфаатларимиз мос келади, деб таъкидлади Антонин Новотний, ва биз пахтачиликни ҳамда тўқимачилик саноатини юксалтириш ишида ўз куч-ғайратларимизни бирлаштиришимиз мумкин.

Антонин Новотний Коммунистик партиялар ва қардош халқлар ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ҳақида гапириб, таъкидлаб ўтдики, Чехословакия Коммунистик партияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан ҳамиша бирга бормоқда. Бизнинг муносабатларимиз, деди у, — маҳкам жипслик муносабатларидир. Совет кишилари Чехословакия халқлари ҳақида ўйлаганлари сингари биз ҳам совет кишилари ҳақида ўйлаб яшамоқдамиз.

Бизнинг Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларга қилган сафаримиз, деди сўнгра Антонин Новотний, халқларнинг дўстлигини янада мустаҳкамлаш манфаатларига қаратилган эди. Биз ўз вазифамизни бажардик, деб ўйлайман. Бу сафар жуда фойдали бўлди.

Антонин Новотний социалистик лагерь бирлигини мустаҳкамлашда, халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда Н. С. Хрушчевнинг катта роль ўйнаётганлигини кўрсатиб ўтди. Н. С. Хрушчевнинг ростгўйлиги ва фикрларининг кенглиги мураккаб халқаро масалаларни ҳал қилишда ўтказаётган пухта сиёсати мени қойил қолдирмоқда, — деди у.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Антонин Новотнийга мурожаат қилиб, айтдики. Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари пахта етиштиришни максимал даражада кўпайтириш ишида фақат Совет Иттифоқи халқлари олдидагина эмас, балки бутун социалистик лагерь халқлари олдида ҳам ўз интернационал бурчини чуқур тушунадилар ва пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан етти йиллик топшириғини шараф билан бажариш учун қўлдан келган ҳамма ишларни қиладилар.

Чехословак дўстлар тушган поезд Самарқанддан жўнаб, Мирзачўл орқали яқиндагина қурилган ёйл бўйлаб жўнайди. Поезд «Пахтакор» станциясида тўхтайди. Бу ерда Мирзачўл районларидаги кўпгина хўжаликларнинг ва қурилиш коллективларининг вакиллари меҳмонларни кутиб олмоқ учун тўпланган эдилар.

Бир группа донгдор кишилар—«Пахтаорол» совхозининг бригада бошлиғи Субан Нормудоров, Жиззах районидаги Навоий номли колхоз раиси Камол Азимов ва «Янгиерводстрой» трестининг архитектори Лидия Осипова Антонин Новотнийга градицион дастурхон тутадилар. Ҳурматли меҳмон ўзбек кулчасини татиб кўради, самимий кутиб олинганлиги учун чин қалбдан ташаккур изҳор қилади.

Чехословакия вакиллари ва уларнинг ҳамроҳлари машиналарга тушиб, Мирзачўлнинг ичкариси томонга йўл оладилар. Меҳмонларнинг кўз олдида улкан қурилишнинг улуғвор манзараси очилади. Ҳамма ерда кучли техника кўзга ташланади. Бу техника ёрдами билан янгиерликлар табиатни бўйсундирмоқдалар, бир вақтлар қақраб ётган чўл-биёбонларни боғу-бўстонларга айлантирмоқдалар. Ўзлаштирилган майдонлар билан бир қаторда биринчи марта экиш учун тайёрланаётган массивларни кўрасиз. Экинзорларга ҳаётбахш сув берадиган темир-бетон лотоклар далалар бўйлаб чўзилиб кетган.

Чехословакиялик меҳмонлар қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар ҳузурига ажойиб кунда келдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари ва биноқорлар Қозоғистон ССР ўз территориясининг Мирзачўлдаги бир қисмини Ўзбекистонга ўтказганлиги тўғрисидаги хабарни ҳозиргина эшитдилар. Совет халқлари бузилмас дўстлигининг улуғворлигини намойиш қилувчи бу олиҳиммат лик қўриқерликларни меҳнатдаги, пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашдаги муваффақиятларни янада кўпайтиришга руҳлантирди.

Меҳмонлар Мирзачўл билан танишишни 5-совхоз далаларидан бошлайдилар. Улар Сув тақсимлайдиган иншоотга эътибор берадилар. Бу ерда беш темир-бетон лоток бўйича оқадиган сув ернинг шўрини ювиш учун фойдаланилмоқда. Ҳозир қўриқерликлар учун қизғин иш пайти. Кўкламги экишга тайёргарлик кўрилмоқда. Мирзачўл совхозлари кузги шудгорлашни республикада биринчи бўлиб тугалладилар, ҳозир ерларнинг шўри ювилмоқда.

«Главголодностепстрой» бош инженери Е. И. Озерский биноқорлар ва ерларни ўзлаштирувчилар Никита Сергеевич Хрушчевнинг маслаҳатига мувофиқ, ирригация-мелиорация ишлари методларини тинмай такомиллаштираётганликлари тўғрисида Антонин Новотнийга гапиради. Мирзачўлни суғоришда темир-бетон лоточлар, сув трубопроводлари ва эгилувчан шланглар сингари прогрессив усулларданги фойдаланилмоқда. Бу усулларни қўлланиш сув ресурсларидан фойдаланиш коэффициентини оширади. Ҳозирги вақтда 376 километр лоток тармоқлари, 354 километр сув трубалари, 280 километр ёпиқ дренаж тармоқлари қурилди.

(Давоми учинчи бетда)

ХАЛҚНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИ

Тошкентдаги лак-бўёқ заводида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишининг қатнашчилари корхона директори М. Т. Кутировнинг Куйбишев сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссиясининг раиси **Николай Михайлович Шверникни** номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифини қарсаклар билан қабул қилдилар.

Лак-ёг цехининг бошлиғи А. А. Крикоров Н. М. Шверникнинг номзодини қизғин қувватлаш билан бирга, лак-бўёқ заводининг технологи **Сотиболди Баратбоевич Юсуповни** республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди. Ёш коммунист С. Б. Юсупов ўзининг техникани тараққий эттириш тарафдори эканлигини кўрсатди. У бир қанча рационализаторлик таклифларини киритди. У бошчилик қилаётган бригада корхонада биринчи бўлиб коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олишга муяссар бўлди.

Йиғилишда сўзга чиққан ўртоқларнинг ҳаммаси кўрсатилган номзодларни маъқулладилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Н. М. Шверникни ва С. Б. Юсуповни номзод қилиб кўрсатишга қарор қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларининг меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари сайловларига сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган вазиятда катта умумхалқ байрамидагидек тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар сайлов олдидаги ҳар бир кунни Коммунистик партия тарихий XXII съезднинг ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашда янги муваффақиятлар билан нишонламоқдалар.

Республиканинг ҳамма ерида депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилишлари совет кишиларининг маънавий-сиёсий бирлигини, уларнинг жонажон Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига жипслиги ва янги куч билан намойиш қилмоқда. Ишчи ва хизматчилар, колхозчилар, интеллигенция намояндалари халқнинг коммунизм қуриш ишига фидокорона содиқ бўлган энг муносиб ўғил ва қизларини номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

Халқлар дўстлиги асрларда яшнайди

Меҳнаткашлар депутатлари Киров ва Пахтаорол район Советларининг қўшма сессияси

ЖЕТИСОЙ, 31 январь. (ЎзТАГ). Жанубий Қозоғистон ўлкаси ерларининг бир қисми Қозоғистондан Ўзбекистон ССР составига топширилиши муносабати билан Мирзачўлдаги поселкалардан бири — Жетисойда тантана бўлди. Шу ердаги меҳнаткашларнинг вакиллари меҳнаткашлар депутатлари Киров ва Пахтаорол район Советларининг қўшма сессиясига хурсандлик билан келдилар. Бу сессия ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги йилномасидаги, мамлакатимизнинг барча қардош совет халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг шонли тарихидаги муҳим воқеага бағишланган эди.

Сессияни Чимкент область ижроия комитетининг раиси А. Бердалин очди.

Содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиуми ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Сессиянинг кун тартибида бир масала — Жанубий Қозоғистон ўлкаси территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига ўтказиш тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони.

Фармон тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Шарипов ахборот берди.

«Большевик» совхози партия комитетининг секретари С. Керимов, Свердлов номли совхоз бригада бошлиғи Р. Аҳмедиева, Киров ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Тасанбоев, «Пахтаорол» совхозининг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Маханов, Пахтаорол районидаги «Коммунизм» колхозининг тракторчиси О. И. Кострова, Киров районидаги «Заря коммунизма» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. И. Кан, Киров районидаги «Қозоғистон ССР қирқ йиллиги» колхозидан пахта теришмашинасининг механик-ҳайдовчиси К. Далбоева, «Қизилқум» совхозининг директори С. Есимов ва Киров райони халқ маорифи бўлимининг мудири С. Аубакировалар сўзга чиқиб, республика меҳнаткашларининг ташаббуси билан Қозоғистон давлат ҳокимияти олий органи томонидан қабул қилинган ва мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада зўр куч билан ривожлантириш манфаатларини ниҳоятда яхши акс эттирадиган олиҳиммат қарорни қизғин маъқуллаганлар.

Сессияда Тошкент қишлоқ область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов ва Самарқанд қишлоқ область ижроия комитетининг раиси С. Асомов Жанубий Қозоғистон ўлкаси ерларининг бир қисми Ўзбекистон ССР составига ўтказилиши Мирзачўлдаги унумдор ерларни янада ўзлаштириш учун қандай аҳамиятга эга бўлажаги ҳақида гапирдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков сессия қатнашчиларини самимий табриклади. Ўртоқ Бабков Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республиканинг барча меҳнаткашлари номидан ва уларнинг топшириғига биноан, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумига, Министрлар Советига, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетига ва бутун қардош қозоқ халқига бу олиҳиммат лиги учун қизғин ташаккур изҳор қилди. Бу тадбир пахтачиликни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада жадал ривожлантиришга, КПСС XXII съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Сессия Жанубий Қозоғистон ўлкаси ерларининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига ўтказиш тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини маъқуллашга ҳамда бу ерларни Ўзбекистон составига қўшиш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини маъқуллашга бир овоздан қарор қилади.

Гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрик хати қабул қилинади.

Ўша куни Пахтаорол ва Киров районларининг иккита энг йирик пахтакор хўжалиги — «Пахтаорол» совхозида ва «Заря коммунизма» колхозида кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Митингларнинг қатнашчилари ҳам бир қисм ерлари Қозоғистон ССР дан Ўзбекистон ССР составига ўтказишдан иборат олиҳимматли ишни якдиллик билан маъқулладилар.

Сессияда ва митингларда Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Ф. Братченко, Чимкент область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Ливенцов, Жанубий Қозоғистон ўлка партия комитетининг секретари Е. К. Кашаганов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри Х. Эргашев, Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов қатнашдилар.

(Сессия ва митинглар ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

Тикув машиналарининг нархлари камайтирилди

СССР Министрлар Совети тикув машиналарининг давлат чакана нархларини 1963 йил 1 февралдан бошлаб ўрта ҳисобда 16 процент камайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тикув машиналари айрим хилларининг чакана нархларини камайтириш миқдорини тегишли савдо ташкилотлари белгилайди.

1963 ЙИЛДА ДОН ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг мамлакатдаги барча қишлоқ хўжалик ходимларига мактуби

Қадрли ўртоқлар!

Ватанимиз улуғ етти йилликнинг бешинчи йилига қадам қўйган кунларда биз сизларга ушбу мактуб билан мурожаат қилмоқдамиз. Совет кишилари КПСС XXII съезди қабул қилган коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини ўз қаҳрамонона меҳнатлари билан амалга оширмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тез ўзгараётганлигини, ҳаётимиз тобора гўзаллашиб бораётганлигини кўриб қувонмоқдамиз. Ҳар бир киши истиқболимиз, бойлигимиз миллионларнинг меҳнати ва фақат меҳнати билан барпо этилаётганлигини аниқ-равшан англаб турибди.

Сиз билан биз мамлакатга қанча кўп озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хом ашё етказиб берсак, Ватанимиз шу қадар қудратли бўлади, совет кишиларининг ҳаёти шу қадар яхши ва бахт-саодатли бўлади.

Жонажон Коммунистик партия бизларни дон етиштириш ва тайёрлашни кескин юксалтирмоқ учун имкони бўлган ҳамма чораларни шу йилнинг ўзидаёқ кўришга чақирмоқда. 1963 йил учун дон харид қилиш давлат плани тўрт миллиард пуд миқдорида тасдиқланди. Лекин бизлар ҳар бир хўжаликдаги резервлардан тўлароқ фойдалансак, янада юксакроқ маррани эгаллай оламиз — Ватан омборларига 4.200 — 4.500 миллион пуд дон тўка оламиз. Бу эса, ўртоқ Н. С. Хрушчев қўйган умумпартиявий ва умумдавлат вазифасидир.

Ҳар бир колхоз ва совхознинг бурчи ана шу улуғвор вазифани бажаришга ўзининг бутун куч-ғайратини сарфлашдан, ўзининг ҳамма резервларини сафарбар этишдан, ҳар бир гектар ердан оқилона фойдаланишдан, ўз далалари ҳосилдорлигини кескин оширишдан иборат.

Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармасининг деҳқонлари ўз имкониятларини пухта ҳисоблаб чиқиб, мамлакат дон хўжалигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилдилар. Бир йил ичида бизда дон етиштириш деярлик бир ярим баравар кўпаяди. Бошқарма колхозлари ва совхозлари давлатга Кубаннинг 13,4 миллион пуд сара донини сотадилар. Ғалла тайёрлаш ўтган йилдагига нисбатан 2,7 миллион пуд, ёки 25 процент ортади.

Биз бу катта вазифани ўз зиммамизга ишонч билан олмоқдамиз. Бизнинг Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармамизда Ватан фондига катта ҳисса қўшмоқ учун ҳамма имкониятлар бор. Ҳамма колхозчилар ва совхоз ходимлари Коммунистик партия қишлоқ хўжалиги олдига қўйган вазифаларнинг улуғворлигидан жўшқин руҳлангандирлар. Бошқармага бирлашган 29 колхоз ва совхоз илғор техника билан қуролланган бўлиб, уларда катта тажриба бор, ғоят катта хўжаликни бошқармоқдалар, 256 минг гектар ҳайдаладиган ерга, 300 минг бошдан кўпроқ турли чорва молларга эгадирлар.

Экин майдонлари структурасини такомиллаштириш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим манбаидир. Бошқарманинг колхоз ва совхозлари 11,7 минг гектар ўтзорни ҳайдаб қўйдилар, камҳосил экинлар майдонини кескин қисқартирдилар. Уларнинг ўрнини кузги буғдой, маккажўхори, нўхат, қанд лавлаги сингари деҳқоннинг қудратли дўстлари олди **Бу йил бизда жами 156,4 минг гектар ерга, ёки ўтган йилдагига қараганда 19 минг гектар кўп ерга дон экинлари экилади.** Дон экинлари ҳайдаладиган ерларнинг 61 процентини эгаллайди. Асосий массивлар бизнинг шароитимизда энг ҳосилдор бўлган кузги галлага ажратилди. Бу экинлар 115 минг гектардан кўпроқ ерга экилди.

Ҳосилдорликни ошириш дон хўжалигида асосий резервдир. **Биз бу йил бутун экин майдонида гектаридан камида 200 пуддан дон олиш учун курашишга аҳд қилдик.** Гектаридан 32 центнердан кузги буғдой йиғиб оламиз.

Дон учун экиладиган маккажўхори 30 минг гектар ерни эгаллайди. 12 минг гектар майдондаги маккажўхорини уруғлик учун етиштирамиз. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун 18 минг гектар ерга маккажўхори экилади, бу ерлардан биз 45 центнердан дон оламиз, шу жумладан уч минг гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан, беш минг гектар ернинг ҳар гектаридан эса 50 центнердан маккажўхори дони йиғиб оламиз.

Нўхат экиладиган майдонни ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кенгайтирамиз, бу майдонларни 5.400 гектарга етказамиз ва ҳар гектаридан 25 центнердан дон етиштирамиз.

28 минг гектар ерга қанд лавлаги экиб, ҳар гектаридан 300 центнердан саноатбоп қанд лавлаги олиш учун курашамиз. Бизнинг хўжаликларимиз кекса селекциячи В. С. Пустовойт етиштирган сермой кунгабоқар сортларини экмоқдалар. 16 минг гектар майдонда ана шу қимматли экиндан гектар бошига 20 центнердан ҳосил йиғиб оламиз.

Бизнинг сахий Кубань тупроғимизда ҳам мўл ҳосил ўз-ўзидан бўлмайди. Мўл ҳосил олиш учун қунт билан кўп меҳнат қилиш керак. Биз, даставвал, ҳосилдорлик соҳасидаги ҳар хилликни, яъни бир хил шароитнинг ўзида колхозлар ва совхозларда маҳсулот етиштиришдаги тафовутни тугатишимиз керак. Масалан, «Кубань» ва «Победа» колхозларини олиб кўрайлик. Бу колхозлар катта майдонларда гектаридан 38—39 центнердан буғдой олмоқдалар. Айни вақтда «Родина», «Красний партизан», Калинин номли колхозлар атиги 23—25 центнердан буғдой олмоқдалар. Шундай қилиб, бир гектар ердан олинадиган дон ҳосили илғор колхозлар билан қолоқ колхозлар ўртасида 14—15 центнер тафовут қилмоқда. Ҳамма хўжаликлар илғорларга тенглашганларида, айтайлик, «Кубань» колхозидагидек иш олиб борсалар эди, бизнинг Усть-Лабинск бошқармамиз кузги буғдойнинг ялпи ҳосилини 3 миллион 600 минг пуд оширган бўлур эди. Бизнинг ана шунақа резервларимиз бор!

Биз ўтган йил якунларини анализ қилиб, бизда донни ялпи ҳосили анча кўп бўлиши мумкин эди, деган фикрга келдик. Кўпгина хўжаликлар маккажўхоридан мўл ҳосил етиштира олмадилар. Об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлигини дастак қилиш важ бўлолмайди. Худди шундай шароитдаги ернинг ўзида илғорлар анча кўп ҳосил етиштирдилар-ку, ахир. «Кубань» колхозидаги Федор Коленов звеноси 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,7 центнердан дон йиғиб олди. Киров номли колхозда Л. Боганчук, Тимирязев номли колхозда Л. Чинченко звенолари маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар. Маккажўхори далаларининг ҳаммасида ана шундай ҳосил етиштирилганида эди, бошқарма хўжаликлари қўшимча равишда уч миллион пуд маккажўхори дони олган бўлур эдилар.

Бу йилги кўклам биз, деҳқонлар учун жиддий синов, мўл ҳосил учун курашда жуда муҳим босқич бўлади. Қишлоқ меҳнаткашларининг бутун куч-ғайрати экин кампаниясини шай бўлиб кутиб олишга ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилгандир. Ҳозир ҳар бир хўжаликда иш планлари тузилмоқда, далаларнинг конкрет шароитига ва йилнинг хусусиятларига мос келадиган агротехника тадбирлари комплекси ишлаб чиқилмоқда. Дала ишлари сифатини контроль қилишга, бутун техникадан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Механизаторлар машиналарни агрегат қилиб ишлатишни кенг қўлланишни, жадал тезликда ишлашни мўлжалламоқдалар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқа ишлар учун 340 тракторни бўшатиб бериш имконини туғдиради.

Ўтган йилларда бўлганидек, бу йил ҳам ердан фойдаланишда, экинларни парвариш қилишда эгасизликка қарши қатъий кураш олиб борамиз. Бизда ҳар бир даланинг ўз хўжайини бўлади. Чопиқ қилинадиган экинларни парвариш қилиш учун механизациялаштирилган 83 звено ташкил этилди. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини синаш Кубань институтининг звено бошлиғи В. Первидкийдан намуна олиб маккажўхори 21 минг гектар ерда қўл меҳнатидан фойдаланмасдан етиштирилади.

Бизнинг кўп йиллик тажрибамиз ҳосилнинг олтин фонди — уруғликлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш зарурлигидан далолат беради. Хўжалик сифатсиз уруғлик экса, у ҳеч қачон яхши натижаларни қўлга кирита олмайди. Юксакроқ поғонага кўтарилмоқ, хўжаликни бошқаришнинг олий даражасига ўтмоқ учун сифат жиҳатдан энг яхши уруғликларни олиш, маҳаллий шароитда энг мўл ҳосил берадиган буғдой, маккажўхори, кунгабоқар, қанд лавлаги ва бошқа экинларнинг маҳсулдор сортларини танлаб олиш керак. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларимиз деярлик ҳамма майдонларга кузги буғдойнинг «Безостая-1» деган ажойиб паҳлавон сортини экдилар. Бу сортни машҳур Кубань селекциячиси, Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги П. П. Лукьяненко етиштирган. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маккажўхори экиладиган майдонларга серҳосил «ВИР-42» ва «ВИР-156» гибридларини экамиз.

Илғор агротехникадан фойдаланмасдан туриб, яхши ҳосил олиш мумкин эмаслигини ҳар бир ғаллакор билади. Шу сабабли, биз ерни ишлаш сифатини яхшиламоқдамиз, экинларни пухта парвариш қилмоқдамиз. Кузги бошоқли экинлар ярим шудгор типида қилинган массивларда икки томонлама диоганал — кесма усулида уруғликни оширилган нормада сепиш тарзида экилди. Куз фаслида 50 минг гектар ердаги кузги буғдойзор минерал ўғит билан озиқлантирилди. Қиш фаслида кун исиган пайтларда ва эрта кўкламда яна 20 минг гектар ердаги кузги экинларни озиқлантирамиз. Хўжаликлардаги ҳамма баҳорикор экин майдонлари барвақт сифатли шудгор қилиб қўйилди. Маккажўхори экиладиган участкалар олдиндан икки марта юмшатилди ёки икки марта ҳайдаб қўйилди.

Халқда: «Ер тўйса, эл тўяди» деган мақол бор. Қоратупроқли Кубань ерлари ўғитга муҳтож эмас, деган аввалги тасаввурларни биз аллақачоноқ улоқтириб ташлаганмиз. Колхозлар ва совхозлар далаларга йил сайин кўпроқ ғўғ ва компост солмоқдалар.

Маҳаллий ўғитлар тайёрлашни кенг миқёсда йўлга қўйиш ва ундан тўғри фойдаланишни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир комплекс бригада бу иш юзасидан конкрет план тузиб олган. Ўтган йил кузда биз маккажўхори ва қанд лавлаги учун ажратилган массивларга 282 минг тонна ғўғ чиқариб солдик. Далаларда заводда тайёрланган ғўғ сочувчи машиналардан ҳамда қишлоқ усталари ясаб берган турли мосламалардан фойдаланилмоқда.

Чорвачиликнинг ривожланиш суръатлари юксак бўлган, чорва моллар туёғи тез ўсаётган хўжаликларда маҳаллий ўғит тайёрлаш муттасил кўпаймоқда. Никита Сергеевич Хрушчевнинг ўйидаги гаплари жуда тўғри гаплардир: «Кимда чорва бўлса, унда ўғит ҳам бўлади, кимда ўғит бўлса, унда ҳосил ҳам мўл бўлади. Binобарин, деҳқончиликни ҳам, чорвачиликни ҳам ҳар тарафлама ривожлантириш керак, чунки чорвачилик ривожлантирилмаса, ўғит бўлмайди, ғўнгсиз мўл ҳосил етиштиролмайсан».

Бу иборада деҳқоннинг донолиги, ҳаракатларимизнинг программаси ифодаланган!

Чорвачиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашнинг зарбдор участкасидир. Биз дон етиштиришни кўпайтириш вазифасини ҳал этар эканмиз, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ана шу муҳим тармоғи ҳақида доимо ғамхўрлик кўрсатмоқдамиз. Қишлоқ меҳнаткашлари шаҳарларни ва саноат марказларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туриш бизларнинг куч-ғайратимизга ва маҳоратимизга, ишнинг кўзини билиб қунт билан ишлашимизга боғлиқ эканлигини яхши биладилар.

Бизда намуна бўла оладиган илғор хўжаликлар жуда кўп. «Ладожский» совхозининг чорвадорлари ўз ем-хашаклари билан мол боқиб, ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига сўйилган вазнда 85 центнердан ва бошқа экин майдонларининг ҳар юз гектари ҳисобига 18 центнердан ғўшт етиштирдилар. Крупская номли, «Кубань», «Завет Ленина» колхозлари ғўшт етиштириш юзасидан биринчи маррага жуда яқинлашиб қолдилар. Илғорларнинг муваффақиятлари жамоат чорвачилигини ўстиришнинг катта имкониятлари борлигини яққол кўрсатиб турибди.

Биз илғор тажрибага таяниб, чорвачиликни янада юксалтиришга эришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. 1963 йилда Усть-Лабинск бошқармасининг колхозлари ва совхозлари ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига сўйилган вазнда 60 центнердан ғўшт етиштирадилар. Хўжаликларимиз ҳар юз гектар ер ҳисобига 245 центнердан сут оладилар.

Бошқарма хўжаликлари давлатга 19,2 минг тонна, яъни ўтган йилдагига нисбатан 2,6 минг тонна кўп ғўшт, 56,1 минг тонна сут, яъни ўтган йилдагидан 13 минг тонна кўп сут сотадилар; 32,5 миллион дона тухум сотамиз.

Бизнинг ҳамма ҳисобларимиз ва планларимиз муваффақият қозонишга қатъий ишончга асосланган. Бу ҳисоблар ва планлар ферма меҳнаткашларининг конкрет ишлари билан мустаҳкамланмоқда. Бошқарма хўжаликларида 105 минг қорамол, шу жумладан 37 минг бош сигир, 158 минг чўчқа, 49 минг қўй бор. Йил давомида 23 минг бош қорамол, 145 минг чўчқа, 1,3 миллион паррандани бўрдоқига боқиб, давлатга сотамиз! Ўртоқ Н. С. Хрушчев Украина қишлоқ хўжалик ходимларининг 1961 йил декабрдаги кенгашида ҳар икки гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига юз килограмм вазнли камида битта чўчқани боқиб семиртириш ва давлатга сотишга даъват этган эди. Биз бу чақириқни қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Биз бу йил ҳар уч гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига иккитадан чўчқа боқиб семиртиришни мўлжалламоқдамиз. Давлатга топширилиши керак бўлган қорамол махсус группаларга ва фермаларга ажратиб қўйилди. Сут соғиб олишни кўпайтириш мақсадида фермаларда сигирларнинг маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни табақаларга ажратиб боқиш ташкил этилди. Молларга ем-ем ташлаш учун маккажўхори силоси ва қанд лавлагидан кенг фойдаланмоқдамиз, дағал хашакларни молга бериш олдидан яхшилаб тайёрлаймиз.

Ем-хашак базаси ҳақида биз алоҳида ғамхўрлик қилмоқдамиз. Ем-хашак мўл бўлса, мол ҳам тўқ. ғўшт ва сут ҳам мўл бўлади. Экин майдонлари структурасининг қайта қурилиши ем-хашак етиштиришни анча кўпайтиришга ёрдам берди. Лекин бу — ишнинг бошланишигина, холос. Маккажўхори асосий ем-хашак экини бўлиб қолмоқда. Маккажўхорининг асосий ва такрор экиладиган майдонларини 80 минг гектаргача кенгайтирамиз. Молларга ем-ем ташлаш учун қанд лавлаги, дуккакли дон экинлари майдонларини кенгайтирамиз.

Ҳар бир гектар ердан тўла ва унумли фойдаланамиз. Ердан моҳирлик билан, ишнинг кўзини билиб фойдаланилса. кўпгина қўшимча маҳсулот олиш мумкин. Ем-хашак экинларининг бир қисмини — 700 гектарга яқинини темир йўллар ва тош йўллар четидаги «бўш» ерларга, томорқа фондидаги бўш ётган ерларга экишга қарор берилди. Молларга ем-ем ташлаш учун дуккакли дон экинлар ва полиз экинларини ёш боғларнинг қатор ораларига экишни мўлжалламоқдамиз. Бу тадбир амалга оширилганда қўшимча равишда ўн мингларча центнер озуқа бирлиги бериш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилди.

Бошқармамиздаги бир қанча хўжаликларнинг иш тажрибаси ем-хашак экинларини такрор экиш бизда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ишида жиддий резерв эканлигини кўрсатмоқда.

Биз бу манбага 1963 йилда ҳам эътибор бермоқдамиз.

Биз ўз тадбирларимизда молга ем-ем ташлаш мақсадида дуккакли дон экинлари, қанд лавлаги ва бошқа бир қанча экинларни барвақт экиб, ҳар ўриб-йиғиб олинганидан кейин, июнь ойининг биринчи ярмида ана шу майдонларга молга ем-ем ташлаш мақсадида маккажўхори экишни белгилаб қўйдик. Ем-хашак экинларини биз кузги арпани ўриб-йиғиб олгандан кейин ҳам такрор экамиз. 1963 йилда такрор экин экиладиган майдонлар бошқарма колхоз ва совхозларида 45,7 минг гектарни ташкил қилади.

Далаларда ва фермаларда меҳнатни ташкил қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш учун кураш ҳар бир хўжалик экономикасини мустаҳкамлашда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз 1963 йилда меҳнат унумдорлигини умуман бошқарма бўйича 9—10 процент ошириш ва маҳсулот таннархини кескин пасайтиришга қарор қилдик. Хўжаликни бошқаришнинг синалган методи — хўжалик ҳисобидир. Ҳозироқ 16 колхозда хўжалик ҳисоби жорий қилинган, бу йил эса, бу усулни яна саккиз хўжаликда жорий қиламиз. Эндиликда ҳамма хўжаликлар топшириқ ва ҳақ тўлашнинг илмий ва техника жиҳатидан асосланган нормаларини жорий қилмоқдалар.

Бошқарма хўжаликларида ҳозир маъмурий-бошқарув ходимларининг штатлари қайта кўриб чиқилмоқда. Аппаратдаги ортиқча звеноларни бутун чоралар билан қисқартириш йўли тутилмоқда.

Конторалар ва идоралардан 540 киши бўшатилиб, бевосита ишлаб чиқаришга юборилди, бу эса, йилига 400 минг сўм тежам беради. Майда ишлаб чиқариш бригадалари ва фермаларини йириклаштирмоқдамиз.

Хўжаликларимизда ғаллакорлар, чорвадорлар, механизаторларнинг юксак кўрсаткичларга эришишдан моддий манфаатдорлиги принципига қатъий риоя қилинмоқда. Яхши меҳнат учун оширилган иш ҳақи тўлансин! Бизда колхозчилар ва совхоз ишчиларини қўшимча моддий рағбатлантириш учун қўлланилаётган системанинг шиори ана шундан иборат. Маккажўхори ва қанд лавлаги етиштириш бўйича механизациялаштирилган звеноларда, шунингдек кўпгина чорвачилик фермаларида меҳнатга аккордмукофот усулида ҳақ тўлаш жорий қилинмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий активлигини ривожлантиришга, хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлашга, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг фаровонлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Бизда чорвачилик соҳасида комплекс механизацияни жорий қилиш юзасидан, етиштириладиган ҳар бир центнер маҳсулот учун харажатларни қисқартириш юзасидан катта иш олиб борилмоқда. Биз сигирларни боғламасдан боқиш, чўчқаларни катта группаларга ажратиб боқиб семиртириш сингари прогрессив методларни янада кенгроқ жорий қилишни мўлжалламоқдамиз. Бу йил 52 та сут соғиш агрегатини қурамиз. Ҳар бири тўрт минг чўчқага мўлжалланган саккизта механизациялаштирилган чўчқахона, саккизта механизациялаштирилган паррандахона қурилади. Паррандахоналарда бир паррандабоқар саккиз-ўн минг паррандани боқа олади.

Бошқарма хужаликларида ихтисослаштирилган чўчқачилик фермалари вужудга келтирилмоқда. Бир хил фермаларда чўчқа болаларини парвариш қилиш йўлга қўйилади, бошқа бир хил фермаларда эса чўчқалар боқиб семиртирилади. Наслчилик ишига, молларни сунъий қочириши кенг жорий қилишга алоҳида эътибор берамиз. Ёш молларнинг ҳаммасини тўла сақлаб қолиш, молларни боқиб семиртиришда уларнинг вазнини ошириш учун антибиотиклардан, биостимуляторлардан, тўқима препаратларидан фойдаланамиз. Хўжаликларда ҳозироқ антибиотик ишлаб чиқарадиган тўртта цех ишлаб турибди.

Биз олга қараб катта қадам ташлаш, белгиланган маррани эгаллаш шубҳасиз қийин вазифа эканлигини жуда яхши тушунамиз. Шу сабабли, ҳозироқ вақтни бой бермасдан, ҳар бир колхоз ва совхозда астойдил, бутун кучни сарфлаб меҳнат қилиш керак. Яхши ишлаш керак, деган сўзнинг маъноси нима? Бунинг маъноси, Никита Сергеевич Хрушчев жуда тўғри айтганидек, қўлга қалам олиб ҳисоблаб чиқишдангина иборат эмас (бусиз ҳам иш битмайди), балки энг муҳими — кишиларни сафарбар этишдан, уларнинг ғайратини оширишдан, уларнинг ўз кучларига ишончини кучайтиришдан иборатдир. Бунинг маъноси шуки—ҳар бир киши ўзига топширилган участкада фидокорона меҳнат қилиши, ташаббус ва жонқуярлик кўрсатиши керак.

Қадрли ўртоқлар!

Биз қабул қилган мажбуриятлар қишлоқдаги ҳар бир меҳнаткаш зиммасига юксак мажбурият юклайди. Ўз ваъдамизни шараф билан бажармоғимиз учун партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари тер тўкиб, ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб боришлари керак. Ишлаб чиқариш бошқармасининг партия комитети, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан энг муҳим ишларни бажаришга киришдилар. Биздаги деярлик ҳамма колхоз ва совхозларга олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассислари бошчилик қилмоқдалар. Эндиликда биз бригадаларга ҳам зоотехниклар ва агрономлар бошчилик қилишларига эришиш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Қиш кунларида ҳамма ўқиш-ўрганиш билан машғул бўлди. Хўжаликларнинг раҳбарлари, кўпгина мутахассислар район қишлоқ хўжалик билимлари университетида шуғулланмоқдалар. Бригадирлар, ферма мудирлари, звено бошлиқлари 210 та иқтисодий мактабда ўқимоқдалар. Колхозларда илғор тажриба мактаблари ишлаб турибди. Ҳамма хўжаликларда кишиларга механизаторлик ихтиросини ўргатиш ташкил этилди. Маккажўхори ва қанд лавлаги етиштирувчи ўнлаб звенолар доғдор мўл ҳосил усталари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари В. Первицкий ва В. Светличний тажрибасини ўрганмоқдалар.

Бригадаларда ва фермаларда янги марраларни қўлга киритиш учун социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Оддий колхозчилар ва совхоз ишчилари иштирокида мажбуриятларнинг бажарилиши ўзаро текширувдан ўтказилмоқда. Тажриба алмашиш мақсадида деҳқонларимиз ва чорвадорларимиз илғор фермаларга, энг яхши бригадалар ва хўжаликларга бормоқда. Кишиларни ишонтиришда намуна кучидан ҳам эўрроқ куч йўқ!

Коммунистик ўзаро ёрдам бизда тобора оммавий тус олмоқда. Илғор хўжаликлар қолоқ хўжаликларга оталик қилмоқдалар. Энг яхши фермалар, бригадалар ва звенолар илғорлар даражасига етиб олишда қолоқларга ёрдам кўрсатмоқдалар. «Бир-бирингни қўлласанг, ғалаба сеники бўлади» деган мақол жуда тўғри мақолдир. 1963 йилда бирорта ҳам иқтисодий жиҳатдан заиф хўжалик қодирмасликни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймоқдамиз.

Қадрли ўртоқлар!

Биз сизларни — колхозчилар ва совхоз ишчилари, қишлоқ коммунистлари ва комсомоллари, мутахассислар, қишлоқлардаги барча меҳнаткашларни Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун умумхалқ курашни авж олдиришга чақирамиз. Етти йиллликнинг бешинчи йили деҳқончилик ва чорвачиликни қудратли юксалтириш йили бўлсин. Мўл ҳосил етиштириб, совет кишиларини қувонтирайлик! Ана шу олижаноб мақсад йўлида ҳар қанча меҳнат қилсанг арзийди!

Қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини умумхалқ контроли остига олайлик. Йил охирида ғолибларни: ўз ваъдасини шараф билан бажарган энг яхши колхозлар ва совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, областлар, ўлка ва республикаларни бутун мамлакат билиб олмоғи учун мусобақани якунлаймиз.

Бутун кучимиз, ғайратимиз ва илҳомимизни, меҳнатимиз ва ақлидрокимизни жаҳонжон Коммунистик партия Программасини муваффақиятли амалга оширишга бўйсундирайлик. Коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга муносиб ҳисса қўшайлик, мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтирайлик!

Мактуб Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармасининг колхозчилари ва совхоз ишчилари йиғилишларида муҳокама қилинган ва қабул этилган.

---

3 МАРТ
Советларга сайловлар **КУНИ**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ—АГИТАТОР

Агитмашина сайловчилар хизматида

Ўрта Чирчиқ районидаги маданият уйи коллективи сайловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб боришда агитмашина хизматидан унумли фойдаланмоқда.

Кузовлари қизил алвонлар билан ўралган агитмашинани шу кунларда районнинг турли жойида учратиш мумкин. Комсомол аъзоси Г. Соҳибгараева агитмашинада юриб, 18, 21, 34 ва 38-сайлов участкаларида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлов ҳақидаги Низом тўғрисида суҳбат ўтказди. «Рўза тутиш — соғлиқ учун зарар» ва бошқа темаларда қизиқарли лекция ўқиди. Маданият уйининг директори Т. Иброҳимов эса 30, 35 ва 36-сайлов участкаларида «Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик системадир», «Депутат — халқ хизматкори» каби темаларда сермазмун суҳбатлар ўтказди.

Маданият уйи клубида Пушкин номли 1-ўрта мактаб ва Охунбобоев номли 4-мактаб ўқитувчилари навбатчилик қилиб, сайловчилар учун хилма-хил темаларда суҳбат ва лекциялар ташкил қилишмоқда. Клуб ва кутубхоналарда сайловларга атаб фотомонтажлар чиқарилди.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

Агитаторнинг сўзи қанчалик содда, маҳаллий мисоллар билан боғланган бўлса, шунчалик таъсирчан бўлади. Агитаторнинг ўзи ишлаб чиқаришда илғор бўлса-чи, унинг суҳбати янада қизиқарли, тингловчига манзур бўлади.

Фарҳод ГЭСидаги С. Муродалиев бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ана шундай агитаторлардандир. Бригада аъзолари ишда шахсий намуна кўрсатиш билан бирга сайловолди агитация ишларида ҳам актив қатнашмоқда. Уларни шу кунларда кўпинча энергетиклар клубида учратасиз, сайловчилар билан ўтказаётган жонли суҳбатларини тингласангиз ҳузур қиласиз.

Шуниси диққатга сазоворки, ўтказилаётган суҳбатларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш ҳамда маиший-маданий масалаларга бағишланмоқда. Ўтган сайловлардан буён юз берган ўзгаришлар, маҳаллий Совет депутатларининг фаолиятлари ҳақида конкрет мисоллар келтирилмоқда. Кишиларнинг турмуши доимо агитаторларнинг диққат марказида.

Агитатор Сон-Тя-ун Шчегайлар оиласида суҳбат ўтказди. У СССР Олий Советининг 1962 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сессияси ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг халқаро аҳвол ҳақидаги доклади ҳақида содда қилиб сўзлаб берди. Агитатор суҳбат охирида бу оиланинг турмуши билан қизиқиб қолди. Маълум бўлишича, Шчегай ғишт заводидан бўшагандан бери бирон ерда ишламай, кекса онасининг қарамоғида яшаб келаркан, Сон буни дарҳол ГЭС партия ташкилотига билдирди. Шчегайни ишга жойлаш лозимлигини айтди.

Агитаторнинг тавсияси билан Шчегай ГЭСга электромонтёрликка қабул қилинди. Ҳозир у ишлаш билан бирга кечки ишчи ёшлар мактабининг 10-синфида билим оляпти. Бу кишилар юрагига йўл топиш, ўзгалар ҳақида ғамхўрлик қилишнинг самарасидир.

Пропаганданинг турли шаклларидан фойдаланиш агитаторга жуда қўл келади. Меҳнаткашлар билан алоқани мустаҳкамлаш, улар орасида оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув тадбирларни амалга ошириш учун энергетик-агитаторлар аҳоли кўп тўпланадиган жойлардан яхши фойдаланишяпти. Масалан уларнинг бир группасини кино театрда сеанслар бошланиши олдидан кўрсангиз, иккинчи группасини қизил чойхонада учратасиз. Гидротехника цехининг ишчиси Х. Султоновни кўпинча кексалар орасида кўриш мумкин. У қарияларга муҳим янгиликларни, совет сайлов системасининг капиталистик мамлакатлардаги сайловлардан фарқи ва афзалликларини содда ва қизиқарли қилиб сўзлаб беради.

Ўтган йили жамоатчилик асосида ташкил этилган сиёсий маориф кабинети оммавий ишларни ташкил қилишда, суҳбат учун материал танлашда агитаторларга амалий ёрдам бермоқда. Кабинетда агитатор бурчаги ташкил қилинган, сайловчилар билан ўтказиладиган суҳбат-лекцияларнинг тематикаси тузиб қўйилган.

Партия ташкилоти сайловолди агитация ишларига амалий раҳбарлик қилмоқда, бюро йиғилишларида агитаторларнинг ҳисоботи эшитилиб туради. Ғалдаги вазифалар белгилаб олинади. Сиёсий маориф кабинетида танланган лекция-суҳбатларнинг тематикаси муҳокама қилинади.

Буларнинг ҳаммаси сиёсий агитацияни намунали ташкил қилиш, сайловларни пухта тайёрлик билан кутиб олиш имконини беради.

Б. ТАЙКЕНОВ.

САЙЛОВДАН-САЙЛОВГАЧА

КАТТА ЎЗГАРИШЛАР

Ота биноларга суқланиб тикилар экан, қувонч билан сўзлар эди:

— Бундан 3 йил бурун,—дейди,—мана шу биноларнинг ўрни янтоқзор эди. Инсон қўли гул деб шуни айтадиларда. Мана, қисқа вақт ичида аптека, боғча, устахона қурилди. Қишлоғимиз яқин йиллар ичида шаҳарнинг ўзгинаси бўлади...

Ҳа, отанинг сўзи ҳақ. Телов посёлкасида ўтган сайловлардан буён катта ўзгаришлар рўй берди.

Посёлка меҳнаткашларининг маданий-маиший турмуши кун сайин яхшиланмоқда. Барча колхозчи хонадонлари Ильич нурлари билан чароғон. Янги-янги маданий-маиший биноларнинг қад кўтарди. 4 та озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, ошхона, чойхона ва новвойхоналар аҳолига намунали хизмат қилмоқда. Посёлкада яшовчиларнинг фарзандлари учун 2 та мактаб, болалар боғчаси қуриб берилди.

— Посёлкамизнинг келажаги янада порлоқ, — дейди посёлка Советининг раиси Т. Усмонов, — ободончилик ва қурилиш ишларини йил сайин ривожлантирямиз. Бу ишларни амалга оширишда халқ хизматкорлари бўлган депутатлар катта ёрдам беришяпти. Биз ҳозир Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига бўладиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Бу сафар сайлайдиган депутатларимиз ҳам қишлоғимизни янада обод қилишга муносиб ҳисса қўшадилар деган умиддамиз.

С. ҲАИИТҚУЛОВ.

ЖОНЛИ СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловлар мусобақаси билан Октябрь район 268-сайлов участкасига қарашли агитпунктда ташкилий ишлар қучайтириб юборилди.

—Агитпунктда,—дейди район маданият уйининг директори, агитпункт мудири Фотима опа Хўжаева, — ҳамма иш планли равишда олиб борилади. Ҳозир 50 дан ортиқ агитатор сайловчилар орасида сайловолди тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Бундан ташқари сайловчилар хоҳлаган вақтларида ўзлари қизиққан саволларига жавоб оладилар: Бунинг учун навбатчи агитаторлар тайинлаб қўйилди. Агитпункт сайловчиларнинг дидларига жавоб берадиган даражада турли шиор ва плакатлар билан безатилди.

Яқинда маданият уйида Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Лутфихоним Саримсоқова билан учрашув ўтказилди. Кекса санъаткор сайловчиларга ўз ижодий фаолияти ва режалари тўғрисида гапириб берди.

Агитпункт мудири, район Совети депутати Фотима Хўжаева Охунбобоев маҳалласида яшовчи 50 дан ортиқ кекса ва кўп болали оналарни хонадонга тўплаб улар ўртасида «Сайловдан-сайловгача» деган темада жонли суҳбат ўтказди. Фотима опа ўтган сайловдан буён районда юз берган ўзгаришларни ҳикоя қилиб берди.

Агитаторлардан Х. Эрназаров, Ў. Тоҳиров ўртоқлар сайловчилар орасида «

ХАЛҚНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИ

(Боши биринчи бетда)

Кадрлар етиштириш манбаи бўлган политехника институти Тошкент-Комсомол сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатди.

Гидроиншоотлар кафедрасининг мудири С. Х. Абольянц КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Леонид Ильич Брежневни** номзод қилиб кўрсатди. Ҳамма ўқитувчилар ва студентлар бу номзодни қизғин қувватладилар. Институт коллективи олий математика кафедрасининг доценти **Маъпура Орифхоновна Орифхонович** ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатди. Йиғилишда сўзга чиққан доцент Н. А. Акбархўжаев, студентлар Марат Абдулин ва Виктор Гранев, старший ўқитувчи Б. В. Раҳимова ўзлари кўрсатган номзоднинг талантли олим, эътиборли педагог, сергайрат жамоат арбоби эканлигини таъкидладилар.

Тошкент тепловоз депосининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари локомотивлардан ишлаб чиқариш участкаларидан тўппа-тўғри ўз клубларига келдилар. Бу ерда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилиши бўлди.

Тепловоз машинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Немудров биринчи бўлиб минбарга чиқади. Йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида у Темир йўл сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Шароф Рашидович Рашидовни** кўрсатишни таклиф қилади. Нотиқ ўртоқ Рашидовни совет халқининг содиқ фарзанди сифатида характерлайди, унинг ҳаёт йўли ҳақида гапиради.

Республика совет ҳокимияти органларига сайлов шарафига донгдор машинист ой сайин камида бир процент ёқилғи тежаб қолишга аҳд қилди.

— Бугун бизда катта байрам. Биз Ўзбекистон давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига ўз номзодларимизни кўрсатмоқдамиз, — деди депо кадрлар бўлимининг бошлиғи А. М. Вяхарев. — Мен ўртоқ Рашидов номзодини қизғин қувватлайман. Шароф Рашидович республика саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш ишига бутун кучини сарф қилмоқда. Биз уни сиёсий арбоб сифатидагина эмас, балки талантли ёзувчи, камтар ва сезгир ўртоқ сифатида ҳам биламиз. Ўртоқ Рашидов бизнинг ишончимизни оқлайди.

Тепловоз машинисти Н. Комилов ҳам Ш. Р. Рашидов номзодини қувватлаб чиқди. Нотиқ дедики, ўртоқ Рашидов депутат сифатида республикамиз пойтахти Тошкентни обод қилиш йўлида кўп ишкилди ва сайловчиларининг ишончини шараф билан оқлади. Комилов сайлов шарафига ўзининг янги мажбурият қабул қилганлигини айтади.

Тепловоз депосининг бошлиғи Ю. З. Перельманга сўз берилади. У ўртоқ Рашидовнинг номзодини қувватлагани ҳолда, Кафанов сайлов округидан депутатликка номзод қилиб машинист ёрдамчиси **София Сандовани** кўрсатади.

Химия лабораториясининг мудири К. А. Галай ва старший нормировщик К. Г. Нагорняк С. Сандованинг илғор ишчи ва актив жамоатчи эканлигина таъкидлайдилар. Бу камтар ишчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида ўқимоқда, у меҳрибон онадир.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовни ва машинист ёрдамчиси С. Сандовани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаглигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилинади.

Сайлов олди йиғилиши қатнашчилари округ сайлов олди кенгашларига ўз вакилларини ҳам сайладилар.

Пойтахтдаги қурилиш индустриясининг йирик корхонаси — уйсозлик комбинати коллективининг кўп кишилик йиғилиши бўлди. Пардозлаш ишлари бошқармасининг слесари В. С. Виноградов биринчи бўлиб сўзга чиқди. У Чиланзор сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Алексей Николаевич Косигинни** кўрсатишни таклиф қилди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг бу таниқли арбоби номзодини монтаж бошқармаси мастери Г. А. Мазяев қувватлаб чиқди. У комбинат директори **Абдусаттор Каримович Каримовни** ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатди. Шундан сўнг сўзга чиққан арматурачи Клара Ан ва бетончилар бригадасининг бошлиғи Ориф Умаров Чиланзорда биноларни қураётган корхонага бошчилик қилувчи бу ёш ва сергайрат инженер, яхши жамоатчи республика ҳокимият олий органида Чиланзор округининг муносиб вакили бўлади, деб ишонч билдирдилар.

Карборунд заводида икки смена ўртасида коллективнинг сайлов олди йиғилиши бўлди. Корхона директори Л. Н. Айрапетов Фрунзе сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссияси раиси **Николай Михайлович Шверникни** кўрсатишни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчиларининг ҳаммаси бу номзодни қизғин қувватладилар. Майдалаш-сочиш цехи бошлиғи В. П. Савенковнинг завод ишчиси **Раиса Сергеевна Игнатовани** депутатликка номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифини ҳам йиғилиш қатнашчилари маъқуллаб кутиб олдилар. Р. С. Игнатова билан бирга ишловчи ўртоқлардан эритувчи С. Одилов, техника бўлимининг бошлиғи И. В. Ольков, ишчи М. Асадулина ўзлари кўрсатган номзоднинг коллективда тарбия олган ажойиб меҳнаткаш эканлигини айтдилар.

«Таштекстильмаш» заводининг кўп минг кишилик коллективи Индустрия округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатди. Корхона директори Н. Ф. Проскуряков КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Алексей Николаевич Косигиннинг** номзодини кўрсатишни таклиф қилди.

Тўқимачилик машинасозлиги махсус конструкторлик бюроси ип ўраш машиналари бўлими бошлиғининг ўринбосари В. Г. Глазов А. Н. Косигиннинг номзодини қувватлаб чиқди. Индустрия округидан депутатликка номзод қилиб темирчилик-пресс цехининг барабанлар паялшчиги **Григорий Иванович Костин** ҳам кўрсатилди. У билан бирга меҳнат қилувчи ўртоқлардан старший контроль мастери А. Н. Альтер, токарь Т. Қулибоев, слесарь Н. Т. Дегурко, нормачи З. Я. Карташева кўрсатилган номзодни моҳир ишчи, яхши жамоатчи сифатида характерладилар.

Тошкентдаги 1-тикув фабрикаси коллективининг сайлов олди йиғилиши бўлди. Шчербаков сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси **Андрей Павлович Кириленкони** кўрсатиш ҳақидаги таклифни йиғилиш қатнашчилари гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Фабрика директори Т. И. Митус А. П. Кириленконинг номзодини қувватлаш билан бирга, актив жамоатчи, илғор тикувчи **Маъмура Акмаловани** ҳам Шчербаков сайлов округидан номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилади. Цех бошлиғи А. А. Тошпўлатов, экспериментал цех конструктори М. Иноғомжонов, тикувчи Л. С. Гришченко, фабрика комсомол ташкилотининг секретари М. Тоирова бирин-кетин минбарга чиқиб, А. П. Кириленко ва М. Акмаловаларнинг номзодларини қизғин маъқуллайдилар.

«Ўзбексельмаш» заводи коллективининг кўп минг кишилик сайлов олди йиғилиши қатнашчилари йиғувчи слесарь Х. Х. Қаюмовнинг Киров сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси **Геннадий Иванович Вороновни** номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Механика-йиғув цехининг созловчиси Т. Т. Толкунова бу номзодни маъқуллаш билан бирга, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси, «Ўзбексельмаш» заводининг пармаловчиси **Иранда Андреевна Нестеренкони** ҳам Киров сайлов округидан номзод қилиб кўрсатди. Бу таклиф ҳам якдиллик билан маъқулланди.

Тошкент давлат медицина институтининг сайлов олди йиғилишида республиканинг медицина кадрлари етиштирувчи йирик манбаи ҳисобланган бу институт студентлари, ўқитувчилари, ишчи ва хизматчилари Жданов сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини якдиллик билан кўрсатдилар. Бу номзодлар — КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Отто Вильгельмович Куусинен** ва олим педагог, Тошкент давлат медицина институти педиатрия ва санитария-гигиена факультетининг госпиталь терапияси кафедрасининг доценти жамоатчи **Надежда Семеновна Петровадир.**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Политотдел» колхозининг клубида кўп кишилик сайлов олди йиғилиши бўлди. Колхоз агрономи Андрей Пак хўжалик меҳнаткашлари номидан гапириб, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Никита Сергеевич Хрушчевни** Барданкўл сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди. Колхоз экономисти Матвей Хван бу таклифни қувватлаб чиқди. Чорвачилик фермаларининг мудири Сан Фир Ким Барданкўл сайлов округидан колхоз ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчиси, колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ман Гим Григорьевич Хванни** ҳам республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Шундан сўнг сўзга чиққан мамлакатнинг донгдор маккажўхорикори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Ли, каноп дан мўл ҳосил етиштириш устаси К. Эргашев, колхоз партия ташкилотининг секретари Василий Пак бу номзодларни қувватладилар.

Йиғилиш КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевни ва Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Политотдел» колхозининг раиси Ман Гим Григорьевич Хванни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Охунбобоев номли колхоз аъзолари Чиноз сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Фрол Романович Козловни** ва шу хўжаликнинг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизатор, ўтган йил машинада 162 тонна пахта терган **Турсуной Раимовани** номзод қилиб кўрсатдилар.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Полярная звезда» илғор колхозининг кўп кишилик сайлов олди йиғилиши Охунбобоев сайлов округидан депутатликка номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссияси раиси **Николай Михайлович Шверникни** ва «Полярная звезда» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ким Пен Хвани** якдиллик билан кўрсатди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Киров номли колхозда бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишининг қатнашчилари Киров сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Анастас Иванович Микоянни** ва Киров номли колхоз аъзоси **Мастура Ортиқовани** кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Малик» совхозининг юзлаб меҳнаткашлари сайлов олди йиғилишида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Анастас Иванович Микоянни** ва «Малик» совхозининг пахта териш машинаси механиги-ҳайдовчиси **Тўхтахон Қиргизбоевани** Малик сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхози сайлов олди йиғилишининг бир овоздан қабул қилинган қарорида Октябрь сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Андреевич Суслов** ва Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхозининг комплекс механизация бригадаси бошлиғи **Тўйчи Аҳмедов** тавсия қилинди.

«Голодностепгэсстрой» меҳнаткашларининг кўп кишилик йиғилиши Янгиер сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссияси раиси **Николай Михайлович Шверникни** ва «Голодностепгэсстрой» энг яхши бульдозерчиси **Тожи Маҳмудовни** якдиллик билан номзод қилиб кўрсатди.

Янгийўл гидролиз заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Янгийўл шаҳар сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Алексей Николаевич Косигинни** ва Янгийўл гидролиз заводининг қозон машинисти **Юсупбой Турсунбоевни** кўрсатиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

АНТОНИН НОВОТНИЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

(Боши биринчи бетда)

Бир гектар ерни ўзлаштириш қанчага тушади? — деб сўрайди Антонин Новотний.

— Биз бир гектарга 2,5—2,7 минг сўм сарфламоқдамиз, бу ҳисобга ерларни ўзлаштириш учун қилинган харажатларгина эмас, балки йўллар, ер-ер, мактаблар, касалхоналар қуриш учун, бутун қурилиш комплекси учун қилинган харажатлар ҳам киради,—деб жавоб беришади «Главголодностепстрой» раҳбарлари.

— Бу ҳеч кўп эмас, — дейди ҳурматли меҳмон.—Бизда, Шарқий Словакияда ерларни ўзлаштириш анча қимматроққа тушмоқда.

Чехословакиялик меҳмонлар Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун сарф қилинаётган маблағларнинг ўрни қанчалик тез қопланади? деб сўрайдилар.

— Сарф қилинган маблағларнинг ўрни қурилиш давомидаёқ қопланади, — дейди Е. И. Озерский. — Мисол учун 6-совхозни олиб кўрайлик. Бу хўжаликда ҳамма харажатлар ҳозирдаёқ қопланди. Ваҳоланки, унинг ташкил этилганига атиги икки йил бўлди.

Меҳмонлар 6-совхознинг пахта тайёрлаш пунктида тўхтайдилар. Антонин Новотний жуда катта пахта бунтлари олдига келади. Ана шу бунтларнинг ўзи совет кишисининг фидокорона меҳнати билан ўзлаштирилган Мирзачўл ерларининг унумдорлигини яққол исботлаб турибди. Меҳмонлар яқинда қурилган қуритиш-тозалаш цехини, тайёрлаш пунктида қўлланилаётган янги техникани кўздан кечирадилар, пахтанинг юқори сифатига қойил қоладилар.

— Бизнинг ажойиб кишиларимиз бор, — дейди совхоз директори Саттор Усмонов. — Улар чинакам ташаббускор ва ўз ишининг ажойиб усталаридир.

Антонин Новотнийни пахтакорлар билан — бригада бошлиқлари Инобат Охунова ва Эшпўлат Жумаев билан таништирадилар. Бу бригада бошлиқларининг ҳар бири «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирмоқда. Ҳурматли меҳмон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторлари билан бирга суратга тушади.

Олти йил мобайнида Мирзачўлда юз минг гектардан ортиқ янги ерлар ўзлаштирилганлиги меҳмонларга маълум қилинади. Келгусида эса бизни янада ажойиб перспективалар кутади. Ўрта Осиёнинг пахтакор республикаларида яқин келажакда уч миллион гектар қўриқ ерни оборотга киритиш керак бўлади. Ишимиз етарли!

Совхозларнинг ишчилари чехословакиялик дўстлар билан самимий хайрлашар эканлар, чехословак-совет дўстлиги социализм ва коммунизм учун, бутун дунёда тинчлик учун курашдан иборат умумий ишимиз манфаатлари йўлида тобора мустаҳкамланади ва ривожланади, деб қатъий ишонч билдирдилар. Пионер Наима Абдиева Антонин Новотнийга Мирзачўлда бўлиш эсдалиги сифатида очилиб турган оппоқ пахта билан қопланган ғўза шоҳини тақдим этади.

Мирзачўл билан танишиш Жанубий Мирзачўл каналидаги сув тақсимлаш иншоотларидан бирини кўздан кечириш билан тугалланди.

Антонин Новотний ва унинг ҳамроҳлари ўша куни кечқурун Тошкентга қайтиб келдилар.

Г. ЛИПШИЦ,
Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири.

ТОШКЕНТ САНОАТ ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Советига сайлов ўтказадиган сайлов комиссиясининг ўртоқ З. Содиқов раислигида биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Совети ижроия комитетининг ранси А. А. Хўжаевнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари сайловларига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди. Область сайлов комиссияси меҳнаткашлар депутатлари область Советига сайловлар бюллетени формасини тасдиқлади.

Комиссия йиғилишида саноат область сайлов комиссиясининг иш плани тасдиқланди,

Йиғилишда Тошкент саноат область партия комитетининг секретари П. И. Каймаков қатнашди.

Гулистонлик чорвадорлар рапорти

Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасининг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш квартал планини муддатидан олдин 29 январь куни ортиғи билан бажардилар. Давлатга пландаги 2720 центнер ўрнига 2750 центнер гўшт сотилди. Бошқармага қарашли «Октябрь», «Москва» ва Фрунзе номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт етказиб беришда айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Яқин кунлар ичида бошқармага қарашли колхоз ва совхозлар давлатга тухум сотиш планини ҳам бажарадилар.

Сирдарё станциясидан бошланган тармоқ темир йўл катта йўл билан ёнма-ён Пахтаорол томонга кетади. Йўл-йўлакай борлиқни эўр қизиқиш билан томоша қилиб борасиз. Қатор-қатор янги уйлар, жамоат бинолари қўзга ташланади. Ўзлаштирилган экин майдонлари қипқизил шўдгор қилиб қўйилган, пол олиб, яхоб берилган далалар милтиллаб кўзни қамаштиради.

Ўлкада баҳор ҳавоси эсади. Мирзачўлда гуё саратондагидек, қуёш қиздиради. Ариқ бўйларида, уватларда майин қўкатлар ям-яшил бўлиб ўсиб туради.

«Пахтаорол» деган сўзни жуда кўп эшитгансиз. Бу ер — Мирзачўлнинг дарвозаси. «Пахтаорол» совхози ҳали республикаларда колхозлар тузилмаган ва эндигина коммуна, шеркатлар ташкил этила бошлаган бир даврда — 1924 йилдаёқ ташкил этилган эди. У вақтда хўжаликнинг номи «семхоз» бўлиб, кейинчалик бутун Иттифоқда биринчи гигант пахтачилик совхозига айланди. Ана шу совхоз туфайли йирик посёлка бунёдга келди.

Дарҳақиқат, Мирзачўл воҳасидаги бошқа хўжаликларга таққослаб қараганда Пахтаорол ва Киров ишлаб чиқариш бошқармаларида ободончилик, маданият, деҳқончилик агротехникаси, прогрессив усулларни кенг қўлланиш соҳасида озмунча қунт ва ғайрат билан меҳнат қилинмаганлиги ҳар ерда сезилиб туради. «Пахтаорол»дан 20 километр нарида Киров ишлаб чиқариш бошқармасининг маркази — Ётти-сой кишини мафтун этади. Киров ишлаб чиқариш бошқармасига 8 пахтачилик совхози ва 8 колхоз қарайди. Бошқарма бу йил давлатга 95 минг тонна пахта етказиб бериши керак. Қайси бир хўжаликка борманг, у комплекс ривожланаётганини кўрасиз. Масалан, «Заря коммунизма» колхозини олайлик. Бу колхоз 1300 гектар ернинг ҳар гектаридан салкам 26 центнердан хирмон кўтарган. Колхозчилар бу йил 30 центнер учун курашмоқда. Бу ерда маккажўхори майдонининг ўзи салкам 400 гектарга етади. Хўжалик чорвачиликнинг ҳамма турига эга. Колхознинг ўртоқ Николай Ли бошлиқ бригадаси 185 гектар ернинг ҳар гектаридан ўтган йили 40 центнердан ҳосил кўтарган. Ҳар йили 45-50 центнердан пахта бериб келган бу бригаданинг бошлиғи ўтган йилги ишидан қаноат қилмаганлигини айтиб, бундай деди:

— Мирзачўл ерларида ҳар қанча ҳосил ундирса бўлади. Ўтган йил ҳақиқатан об-ҳаво ноқулай келди. Лекин, биз ҳосилни кам берганлигимизни орқага қараб қайтиш деб ҳисоблаймиз. Бу йил ҳиссасини чиқарамиз, албатта. Ҳосилимиз 50 центнердан кам бўлмайди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, техникачи эгаллаш ва уни мўл-кўлчилик ва фаровонликка бўйсундириш ҳақида қаерда суҳбат кетган бўлса, одамлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра яхшироқ ишлаш ниятиёқида эканликларини кўрдик. Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли мазкур «Пахтаорол» совхозида Фёдор Александрович Орлов деган ҳурматли киши бор. У 40 йилдан бери шу ерда яшайди. 14 йилдан буён биринчи бўлимга бошқарувчи. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Орлов ўз ишининг моҳир устаси. Фёдор Александрович фақат ўз бўлимининг эмас, бутун совхознинг тарихи, экономикаси ва кишиларини беш бармоқдай билади. У совхознинг тузилиш давридан бошлаб, то ҳозиргача бўлган воқеаларни билади, ёзиб қўйган. Нимани сўраманг китобининг маълум варағини очиб, сизни истаган нарсангиз билан таништиради. Ана шу ватанпарвар Мирзачўлнинг ўтмишига қанчалик меҳнат ва ғайратини сарф қилган бўлса, ҳозир истиқболи тўғрисида ҳам ана шундай қайғирмоқда.

— Мирзачўл ҳақида, — деди ўртоқ Орлов, — Никита Сергеевич Хрушчев бундай деган эди: «Мирзачўл ишлаб чиқариш ва турмушни коммунистчасига ташкил этишнинг тимсоли бўлади ва бўлмоғи керак». Ана шундай жойда яшаб, меҳнат қилиш билан фахрланасан, киши. Мен бутун меҳнатим ва ижодимни Мирзачўлни яшнатишга бағишлаганман. Кейинги тўрт йил ичида бўлимимиз 1100 гектардан ортиқ ернинг ҳар гектаридан ўртача салкам 35 центнердан ҳосил етиштирди. Айрим йиллари 40 центнердан ҳам пахта берганмиз. Бу йил ҳам ундан кам бўлмайди.

«Пахтаорол»да Фёдор Александрович каби эътиборли кишиларнинг таълимини олган пахтакорларни, механизаторларни, чорвадорларни кўплаб учратдик. Айниқса ёшларнинг меҳнатга, давлат ишига қизиқиши кишида чуқур таассурот қолдиради. Совхознинг Дзержинский бўлимида Фотима Уримбоева деган қиз бир неча йилдан бери тракторни бошқариб келади. У икки йилдан буён пахта териш машинасида ишлаб энг юқори кўрсатгичга эришмоқда.

Ҳаммадан шуниси характерлики, Фотима Уримбоева фақат терим машинасига кўз тикмай, баҳорда трактор, ёзда универсал ҳайдайди. Комсомол қиз жамоат ишларида актив қатнашади.

Пахтаорол ва Киров ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликларда пахтачилик билан бирга гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш кейинги йилларда айниқса ўсди, чорвачилик жуда тез ривожланмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари КПСС XXII съезди чизиб берган улуғвор Программани амалга ошириш учун 1963 йилда янада каттароқ марраларни эгаллашга отланганлар.

Қозоғистон ССР Олий Совети президиуми Қозоғистон ССРнинг Жанубий Қозоғистон ўлкаси территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига ўтказиш тўғрисида Фармон чиқарди. Шу Фармонга мувофиқ Чимкент областининг жами ер майдони 959 минг гектардан иборат Киров ва Пахтаорол районлари, Қизилқум районининг Қизилқум ва Чимқўрғон қишлоқ Советлари, шунингдек Ўзбекистон ССРга узоқ муддатга фойдаланиш учун бериб қўйилган Чимкент областидаги 1.554 минг гектар яйлов ерлар ва Қизил Урда областидаги 1.150 минг гектар яйлов ерлар Ўзбекистон ССР составига ўтказилади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бу территорияни Ўзбекистон ССР составига қўшиш тўғрисида Фармон чиқарди.

Энди ана шу ерлар Ўзбекистонники бўлади. Қозоқ элининг бу дўстлик ҳимматидан ўзбек халқи чексиз миннатдор. Илгаридан қуда қудагай бўлган, ери чегарадош ва бир ариқдан сув ичган ўзбек ва қозоқ халқининг ҳамкорлиги, дўстлиги янада мустаҳкамланади.

Бу фикрни ҳозир Қозоғистоннинг Ўзбекистон территориясига ўтказилган районларидаги кишилар айтмоқдалар. — Биз, — дейди Киров ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ Тасанбоев, — ўзбек биродарларимиз билан илгаридан дўст ва иноқ яшаб келардик. Ҳар нарсада ҳамкор ва ҳамнафас эдик. Асосан пахтачилик билан шуғулланадиган бизнинг ишлаб чиқариш бошқармамиз устоз пахтакор — ўзбеклардан янада кўпроқ кўмак, ёрдам олади, яхши тажрибаларини бригаликда баҳам кўради. Бу эса умумий юксалишимизга катта ёрдам беради.

Шу бошқармага қарашли «Заря коммунизма» колхозининг партия ташкилоти секретари ўртоқ Владимир Иванович Кан бундай дейди:

— Бизнинг Ўзбекистон территориясига ўтказилишимиз экономикани мустаҳкамлашда жуда катта аҳамиятга эга. Бу тадбир хўжалигимизга яқиндан оператив раҳбарлик қилишни таъминлайди. Энди ўзбек пахтакорлари билан ҳамкорликда ишлаб, пахтачиликни тобора ривожлантирамиз.

Бу сўзлар ўзбек ва қозоқ дўстларнинг умумий фикр туйғусини ифодалайди. Қалблар ҳарорати аввалгидек, балки ундан ҳам кучлироқ ҳис билан қардошлар кўнглини илитмоқда.

Мирзачўлда баҳор ҳавоси эсмоқда. Ўзбек ва қозоқ халқлари бирдамлигида чўл гулистонга айланаверади. Абадий дўстлигимиз ва ҳимматимиз халқларни янги-янги зафарларга руҳлантираверади.

Ҳ. НУЪМОНОВ.

Суратдагилар «Пахтаорол» совхози пахтакорлари: Э. Хидиров — ишчи (чапдан), Ф. Уринбоева — механик-ҳайдовчи, Ф. А. Орлов — «Коминтерн» бўлимининг бошқарувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Т. Сафаров — бригада бошлиғи, Қ. Маханов — бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Т. Жўраев — ишчи, Т. Хидиров, Қ. Омонов — бригада бошлиқлари.

И. Глауберзон фотоси.

ҚОЗОҚ ЭЛИ ИНЪОМ ҚИЛГАН ЕРЛАРДА

ДЎСТЛИК РАМЗИ

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

АЖОЙИБ СОВЕТ РАССОМИ

Бугун бутун совет халқи йирик совет рассоми, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР бадиий Академиясининг ҳақиқий аъзоси А. А. Пластовнинг туғилганига 70 йил тўлишини кенг нишонламоқда.

Аркадий Александрович Пластов Ульяновск областининг Прислониха қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. У дастлаб Москвадаги рассомлик билим юртининг ҳайкалтарошлик бўлимида таълим олди.

1917 йили ўқишни тугатиб, ўз қишлоғига қайтган Пластов қизғин ижодий ишга берилиб кетади. Бу даврда ёш рассом қўлига мўйқалам олиб, жонажон қишлоқ манзараларини, табиат гўзалликларини қиёлади.

Лекин Аркадий Александровичнинг ҳақиқий ижодий фаолияти 1935 йилдан бошланди. Пластовни қизиқтирган, унинг қатор асарларида қўйилган тема — қишлоқ ҳаёти, оддий совет кишисининг меҳнати ва маънавий қиёфаси, инсонни улуғлашдан иборатдир.

Рассомнинг «Ўрим», «Пичан ўриш» каби полотнолари совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларида колхоз далаларида олиб борган фидокорона меҳнатларига бағишланган. Бу асарлар Пластовни кенг жамоатчиликка танитди. У мазкур полотнолари учун Давлат мукофотини олишга сазовор бўлди. Ҳозир бу икки нодир полотно Москвадаги Третьяков галереясида сақланмоқда.

Авторнинг «Тракторчининг кечки овқати», «Колхозда ток» суратларида совет кишиларининг ирқидан кейинги ғайратли меҳнатлари таранним этилса, унинг «Ёз», «Оқшом», «Ёшлик» каби полотноларида бир тема, бир мақсад, яъни рус табиатига ошиқлик ва гўзал манзараларни суратга олиш катта ўрин тутади.

«Колхозчининг августи» номли асарида Пластов ҳозирги нурафшон қишлоқ ҳаётини акс эттиради. Мана, колхозчининг уйига меҳнат кунлари эвазига буғдой келтиришди. Белкурак ушлаган қивноқ колхоз қизлари машинанинг очиқ бортидан ерга ёйиб қўйилган шолчага буғдой тўкишяпти... Асар сюжети унчалик мураккаб бўлмаса ҳам, автор бунда чуқур ҳаётий масалани, яъни колхоз турмушининг кўркамлигини ва фаравон ҳаётни ишонарли бўёқлар ёрдамида ўткир поэтик дид билан ифодалай олган.

Пластов яратган портретлар орасида энг ҳарактерлиги ва жонли ишлангани «Велосипедли қиз» билан «Гарозибон» асарларидир. Бу икки санъат асарида рассом улуғ ҳаётимизнинг кичик бир бўлаги бўлган социалистик қишлоқнинг маданий турмушини катта қалб билан қиёлайди.

Ўзининг сўнгги яратган ишларидан бири «Туш. Ташналик» асарида Пластов меҳнат жараёнини кўрсатмаса ҳам, лекин қаҳрамонларнинг ташқи қиёфасидан меҳнат руҳини, ишчи нафасини сезиб олиш қийин эмас.

Умуман талантли рассом Пластов социалистик қишлоқ манзарасини, фаровон колхоз тузумини, шарафли меҳнат қувончини, табиат гўзалликларини ҳамда озод ва бахтиёр инсон фазилатининг толмас қўйчисидир.

Пластов ҳеч рассомгина бўлиб қолмай, балки талантли иллюстратор ҳамдир. Унинг Л. Н. Толстой ва А. П. Чеховнинг ўлмас асарларига ишлаган иллюстрациялари авторнинг бу соҳада эришган катта ютуғи ҳисобланади.

Пластовнинг ижодий йўли тинмас изланишлар, ҳаёт ижирғичкирларини эринмай ўрганишлар, унинг катта мақсад сари бўлган интилиши, инсон қадр-қимматини ҳурматлаш ва унга хизмат қилиш билан чироғондир.

Моҳир рассомнинг нодир полотнолари социалистик реализм санъатининг ёрқин намуналаридир. Унинг қишлоқ темасида яратган замонавий асарлари бу йил Ленин мукофотига тақдим этилди. А. Пластов яратган полотнолар совет тасвирий санъатининг улкан муваффақиятидир.

Т. ОДИЛБЕКОВ.



Суратда: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти химия кафедрасининг ассистенти Маъруф Отахонов ва табиёт факультетининг 4-курс студенти Муборак Аминова лабораторияда практик машғулот ўтказмоқдалар.

И. Гильдин фотоси.

ОТАХОН ПОЧТАЛЬОН

Бу нуроний кекса почтальонликдек шарафли касбга зўр меҳр қўйган. У 30 йилдан буён севимли сумкасини қўймайди. Оддий меҳнати билан обрў ва ҳурмат қозонган Ҳамиджон ота Олимжоновни Калинин районининг Ҳасанбой қишлоғида танимайдиган одам йўқ.

Ота 75 ёшга кирибди.

— Энди дам олсангиз бўларди, — дейди одамлар.

— Меҳнат мени овутади. Ишламай ётишни сира ўзимга эп кўрмайман. Ахир, белдаги куч-қудратим, қалбдаги ғайратимни халқимга хизмат қилишга бағишлашдан ўзга бахт борми,— деб жавоб беради отахон.

Ҳамиджон ота газета-журнал, хат-хабарларни эгаларига элтиб беришгина қолмай, колхозчилар ўртасида матбуотнинг актив пропагандисти, жонкуяри сифатида катта ишлар қилмоқда. У йилдан-йилга обуначилар сонини ошириб келмоқда.

Самарали хизматлари учун Ҳамиджон ота Олимжонов «Правда»нинг 50 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотланган. Чарчамас почтальон кўпгина Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо буюмлар билан ҳам тақдирланган.

Э. ҲАМИДОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 ФЕВРАЛДА

Рус тилида: 18.00 — **Алифбе байрами** (кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун), 18.40 — **Телевизион янгиликлар**, 18.55 — **Халқаро масалалар** (комментатор суҳбати), 19.15 — **Бекобод** («Республикамиз шаҳарлари бўйлаб» циклидан), 19.35 — **Совет Туркманистони** киножурнали.

Ўзбек тилида: 19.45 — **Механизация — юқори ҳосил гарови** (Валентин Тюпкининг илғор тажрибаси ҳақида, қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.55 — **Визнинг интервью**, 20.10 — **Телевизион янгиликлар**, 20.25 — **Ёшлар ижоди**, 21.05 — **Иваннинг болалик чоғи** номли бадиий фильм.

22.40 — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да **Боғчасарой фонтани**, 2/II да премьера **Гулсара** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да **Олов**, 2/II да **Номус**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да **Алпомиш**, 2/II да **Икки билагузун**.

КИНО

Революция ҳақида ҳикоялар — «ВАТАН» (эрталаб соат 9.50 минутда).

Георгий Саакадзе (1 ва 2-серия) — «ВАТАН» (эрталаб соат 11.15 минут, кундуз 2 ярим, кеч 5.45 минут ва 9 да).

Павлуха — «МИР» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Севги тароналари — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Кенжа ўғил кўчаси — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ёшу ғўр — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда).

Вахтиёр бўл, Ани! — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кеч соат 10 да).

Сафра — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2,3 февралда

КАТТА КОНЦЕРТЛАР

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Мунаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Берта Давидова**, ўзбек ашула ва ракс ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ШАҲАР МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасаи билан биргаликда

ПОЙТАХТИМИЗ КИНОТЕАТРЛАРИДА

1 февралдан 10 февралгача

СССР Ҳаво флотининг 40 йиллигига бағишланган

КИНОФЕСТИВАЛЬ

ЎТКАЗАДИ.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Кўк ўқ — «ВАТАН» — 3, 4/II да, «МИР» — 7, 8/II да.

Тиниқ осмон — «ЎЗБЕКИСТОН» — 2, 3/II да, «ИСКРА» — 7, 8/II да.

Тонгда сакраш — «ВОСТОК» — 5, 6/II да.

Улар ўн тўққиз ёшда эди — «СПУТНИК» — 5, 6/II да.

Ҳаётининг мақсади — «ЕШ ГВАРДИЯ» — 6, 7/II да, «МОСКВА» — 8, 9/II да.

Нормандия-Неман — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — 7, 8/II да.

Осмон чорлайди — НАВОИЙ номли — 7, 8/II да.

ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

Юлдузлар сари биринчи сафар — СОБИР РАҲИМОВ номли — 1, 2, 3/II да, КИНОЛЕКТОРИЙ — 1, 2/II да.

Яна юлдузлар сари — КИНОЛЕКТОРИЙ — 3, 4/II да.

Дўстлик орбитасида — «МИР» — 1, 2, 3/II да, «МОСКВА» — 8, 9, 10/II да.

Мардлар мактаби — СОБИР РАҲИМОВ номли — 4, 5, 6, 7/II да.

Экватор орқали 35 марта — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — 2, 3/II да.

Учувчи қалби — «СПУТНИК» — 1, 2, 3/II да, КИНОЛЕКТОРИЙ — 5, 6/II да, НАВОИЙ номли — 8, 9, 10/II да.

Кудратли қанотлар — КИНОЛЕКТОРИЙ — 5, 6/II да.

Юлдуз биродарлари — КИНОЛЕКТОРИЙ — 7, 8, 9, 10/II да.

Самолётни Ер бошқаради — «ИСКРА» — 1/II дан 10/II гача.

Хабаровск аэропортида — «ЕШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» 1/II дан 10/II гача.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

2 февралдан

РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Иван РУБАН

қўл остида

Йиртқич ҳайвонлар

АТТРАКЦИОНИ ВА ЯНГИ ПРОГРАММАДА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ.

Кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Якшанба кунлари 3 мартадан томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

ОЛМАОТА ТОШКЕНТНИ КЎРАДИ

Қозоғистон пойтахтининг аҳолиси қардош Ўзбекистон пойтахтидан бериладиган телевидение эшиттиришларини ҳадемай кўрадиган бўлади! Қозоғистон ССР Алоқа министрлигида ТАСС мухбирига қуйидагиларни маълум қилишди:

Олмаота Тошкентдан бериладиган телевидение эшиттиришларини қабул қилишга тайёр. Олмаота, Фрунзе ва Ўзбекистон пойтахтини бир-бирлари билан мустаҳкам боғлаб турган радиорелье линияси орқали кинофильмлар, концертлар, турли томошалар кўрсатиш мумкин. Ҳозирдаёқ синов тариқасидаги программалар кўрсатилди. Тошкент билан Олмаота бир-бирини «кўриб» ва бир-бири билан «гаплашиб» туради. Линиядаги техника воситаларининг ҳаммаси жуда яхши ишлаяпти.

Ҳозир ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Қозоғистонликлар ҳадемай Тошкент телемарказининг программасини кўра бошлайдилар.

ҚУМДАГИ ЙЎЛЛАР

Бутуниттифоқ йўл илмий текшириш институти ва унинг Урта Осиё филиали мутахассислари кўчма кумлар орасида автомобиль трассалари қуришнинг янги методини ишлаб чиқдилар.

Мутахассислар йўлнинг шундай бир конструкциясини таклиф қилишдики, кўчма қумлар бу йўл устида тўхтаб қолмайди. Автомобиль йўлларининг икки чеккасида устига махсус битум эмульсияси қоплаган бўлак-бўлак шаклдаги ўралар кавлаб қўйилади. Бу ўралар ҳам қумнинг бемалол кўчиб юришига ёрдам беради.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, механик иҳота қурилмалар ва ўсимликлардан иборат оддий тўсиқлар комплексига эга бўлган янги конструкциядаги йўл автомобиль йўлидан бутун йил бўйи фойдаланиш имконини беради.

Янги метод Урта Осиё ва Қозоғистон чўлларидаги районлар территориясини тезроқ ўзлаштирмоқ учун йўллар шохобчаси барпо қилиш проблемасини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА

ИЛЬИЧ ЧИРОҒИ ЁНДИ

Облиқ посёлка Советига қарашли Самарчиқ қишлоғи меҳнаткашларининг қувончига-қувонч қўшилди. Ахир, севинмай бўладими. Яқинда қишлоққа Янгиобод шаҳридан электр қуввати келтирилди. Натижада хонадонлар, 1-совхознинг 3-бўлимидаги чорва фермалари бинолари, мактаб, магазинлар электрлаштирилди.

Т. ШЕРАЛИЕВ
Ўрта Чирчиқ райони.

ЖАМОАТЧИЛИК КУЧИ БИЛАН

Калинин районидаги «Октябрь» колхозининг Бешқайроғоч участкасидаги кўчалар ёзда чанг, қишда эса лой бўлиб ётар эди. Колхозчилар жамоатчилик асосида ўз кучлари билан бу йўлларга шағал ётқизидилар. Йўл чеккаларига сим ёғочлар ўрнатилиб, ҳаммаёқ чироғон бўлди.

Шунингдек, колхозчилар учун янги чойхона қурилди. Колхознинг Оқтепа ва Бирлик участкалари ўртасидаги кўчаларга ҳам шағал тўкилиб, асфальт ётқизилди.

А. ХАТАМОВ.

«ЗИС-150» қатор автомашиналарни қувиб ўтиб, ўқдай елганича шаҳар ташқарисидаги автомобиль йўлига чиқиб олди. Шофер ёқасининг тугмасини бўшатиб, олазараклик билан атрофга назар ташлагач, енгилгина хўрсиниб қўйди...

Икки ёнида катакчалар тасвири бўлган «Волга» машинаси худди шу дақиқада лип этиб, юк машинасининг олдида пайдо бўлди-да,

Совет кишилари шундай иш тутишади

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИДАГИ ОЛИШУВ

унинг йўлини тўсди. «ЗИС»нинг тормози ғирчиллаб, ўзи бир қалқиб тушди, лекин дарров жойидан жилиб, такси машинасининг ёнидан айланиб ўтгач, яна тутқич бермасликка ҳаракат қилди. «Волга» иккинчи марта юк машинасининг йўлини тўсиб, таққа тўхтади. Машинадан сакраб тушган шофер билан йўловчи Қумқўрғондаги 105-автобаза шофери Я. Қодировни кабинадан чиқишга мажбур қилишди.

Бу воқеа Самарқандда бўлиб ўтди. Я. Қодиров кўча ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, шаҳарда бир мотоциклчини бостириб кетди. Жиноят қилган айбдор қочиб қолишга уринди. Лекин унга кўзи тушган 4-таксомотор паркининг шофери Евгения Григорьевна Мордовец шамол тўсадиган ойначага энгашган ҳолда, ўз «Волга»сини юк машинаси кетидан солиб юборди.

Область жамоат тартибини сақлаш бошқармаси жиноятчини ушлаб олишда кўрсатган довюраклиги учун Евгения Григорьевна Мордовецга ташаккур эълон қилиб, уни номи ёзилган соат билан мукофотлади.

Самарқандда Евгения Григорьевнани шаҳарликлардан кўпи яхши билади. Ишдаги муваффақиятлари ва йўловчиларга аъло даражада хизмат кўрсатаётганлиги учун унга коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрий ном берилган. Жасур қаҳрамоннинг эши эллик иккида. У — икки боланинг онаси, унинг набиралари ҳам бор. Такси ҳайдовчилар ўз ҳамкасбининг қилган иши билан фахрланмоқда.

Вяч. ШЕВЦОВ,
Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири.

ЯНГИ ВЕНГРИЯ 17 ЁШГА ТЎЛДИ

ПЕТЕФИ ВАТАНИДА

Бугун венгер халқи барча социалистик мамлакатлар халқлари билан биргаликда Венгрия Халқ Республикаси ташкил топган кунинг 17 йиллигини зўр тантана билан нишонламоқда. Венгер халқи бундай бахтли кунларга эришиш учун узоқ давом этган машаққатли кураш йўлини босиб ўтди.

Венгер халқининг ўтмиши ғоят ачинарли эди. Халқ бир ҳовуч мулкдорлар исканжасида оғир ҳаёт кечирарди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан руҳланган венгер халқи ўз ватанида революцион ҳаракатни кучайтириб юборди. Натижада 1919 йил 21 март куни Венгрия Совет Республикаси эълон қилинди. Аммо бу ҳокимият тўрт ойдан сўнг чет эл интервентлари ва ички контрреволюциянинг бирлашган кучлари томонидан бостирилди. Чет эл империалистлари томонидан қўллаб-қувватланган диктатор Хорти ёш Венгрия Совет Республикасини қонга белаб, мамлакатда реакцион режим ўрнатди. Мамлакат ва халқнинг аҳволи оғирлашди...

1945 йил 4 апрелида қаҳрамон Совет Армияси Венгрияни фашистлар исканжасидан бутунлай озод қилди. Мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилди.

Венгер меҳнаткашлари совет халқи ва унинг халоскор армиясининг Венгрияни озод қилиш учун олиб борган ҳаёт-мамот курашидаги ёрдамини ҳеч қачон унутмайди. Совет жангчиларининг қаҳрамонликларига абадий ёдгорлик сифатида венгер халқи томонидан Геллерт тоғига ўрнатилган «Озодлик монументи» мағрур қад кўтариб турибди.

Фашизм асоратидан озод бўлган халқ ўз мамлакатида социализм пойдеворини қуришга киришди. Мамлакатда пролетариат диктатураси формаларидан бири бўлган халқ-демократик тузуми қарор топди ва социалистик қурилишга кенг йўл очилди.

Хўжалик социалистик ишлаб чиқариш асосида олиб борила бошлади. Мамлакатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини қайта қуришга киришилди. Қисқа вақт ичида ишсизликка бутунлай хотима берилди. Ер ислоҳоти ўтказилди. Халқ ҳукуматининг бу тадбири натижасида деҳқонларнинг ҳаммаси ерли бўлиб олди ва кўнгилли равишда кооперативларга уюша бошлади.

Пролетар интернационализми ғояларига содиқ бўлган Венгрия жаҳон социалистик мамлакатларининг қардошлик оиласида тобора мустаҳкамланиб, социализм қурилишида катта ютуқларга эришмоқда. 1947—1957 йиллар ичида индустрияни ривожлантиришга 50 миллиард форинт сарфланди. Шу давр ичида 75 йирик саноат корхонаси қурилиб ишга туширилди. 1949—1958 йиллар мобайнида оғир саноатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш уч баравар, енгил саноатда эса 2,5 баравар кўпайди.

Венгер халқи иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасидаги улкан ютуқларга Венгрия Социалистик ишчи партияси раҳбарлигида эришмоқда. Меҳнаткашлар партия қарорларини бажаришни ўз муқаддас бурчлари деб биладилар. Халқ хўжалик планларининг муваффақиятли бажарилаётгани буни яққол тасдиқлайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар бераётган беғараз ёрдам Венгрия Халқ Республикасининг социализм ғалабасига тезроқ эришувида муҳим фактор ҳисобланади.

Социализм асосларини қуриш даврида меҳнаткашлар бир неча ғовларга дуч келдилар. Венгер халқининг ғоят катта ютуқларидан чўчиган реакцион элементлар империалистик кучларнинг мададига таяниб, 1956 йил октябрь ойида контрреволюцион исён уюштирдилар. Америка империалистлари ноғарасига ўйнаган сотқин Имре Надь ва унинг шериклари меҳнаткашларни социализм йўлидан тойдириб, мамлакатда халқ ҳокимиятини ағдариб ташлаш ва капиталистик тузумни қайта тиклашга уриндилар.

Лекин ўз ҳуқуқини қўлга киритган меҳнаткашлар Янош Кадар бошлиқ коммунистлар атрофига жипслашдилар. Улар революция ғалабаларини биргаликда ҳимоя қилиш учун Совет Иттифоқига мурожаат қилдилар. Интернационал бурчга содиқ бўлган совет жангчилари венгер ватанпарварлари билан биргаликда исёнчилар тўдасига қақшатғич зарба бериб, уни тор-мор келтирдилар. Халқ ҳокимияти ва социалистик ютуқлар сақлаб қолинди.

Венгрия Социалистик ишчи партияси раҳбарлигидаги халқ мамлакатда юз берган снёсий ва иқтисодий қийинчиликларни тез орада бартараф этди. Меҳнаткашлар 1958—1960 йилларга мўлжалланган халқ хўжалиги уч йиллик планини 1959 йил охиридаёқ асосий кўрсаткичлар бўйича бажариб қўйдилар. Бу планнинг ошириб бажарилиши натижасида саноат ишлаб чиқариши 40 процент, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши 12 процент, аҳолининг реал даромадлари 19 процент ошди.

Венгрия Халқ Республикаси социалистик лагердаги барча мамлакатлар билан биргаликда бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш снёсатини юритмоқда.

Венгер халқи ўз партияси раҳбарлигида ижодий меҳнат самараларига эришиш билан жаҳон социалистик системасининг янада мустаҳкамланишига ва тинч иқтисодий мусобақада социализмнинг капитализм устидан ғалаба қозонишига ҳисса қўшмоқда.

Петефи ватанига социализм қуришда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

З. МИРРАҲИМОВ.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИНИНГ БИРДАМЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНСИН!

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАНГАНЬИКАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 29 январь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг шу комитет раиси ёзувчи Мирзо Турсунзода бошчилигидаги делегацияси Осиё ва Африка халқлари бирдамлигининг учинчи конференциясида қатнашмоқ учун бугун Москвадан Моши (Танганьика)га жўнаб кетди.

Делегация составида К. А. Гусейнов, Д. Ю. Долидзе, Н. Жандильдин, Д. П. Шевлягин, А. В. Софронов, В. Д. Титова, Б. В. Карпович, В. М. Чхиквадзе ва В. М. Коллонтайлар бор.

Аэродромда жўнаб кетиш олдидан Мирзо Турсунзода ТАСС мухбирига бундай деди:

— Тинчлик ва тараққиётни қадрлайдиган ҳамма кишилар, яхши ниятли ҳамма кишилар катта қувонч кечирмоқдалар. 4 февралда Африкадаги узоқ мамлакат Танганьикада Осиё ва Африка халқлари бирдамлигининг учинчи конференцияси очилади. Бутун инсониятнинг куч-ғайрати халқаро кескинликни янада камайтиришга ва ядро уруши хавфини бартараф қилишга қаратилган ҳозирги вақтда халқлар бирдамлиги, уларнинг бирлиги биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Мошида бўладиган конференция ана шу олижаноб мақсад йўлида муҳим роль ўйнаши керак.

Совет жамоат арбоблари, олимлари, ёзувчиларидан иборат бизнинг делегациямиз Осиё ва Африка халқларининг бирлигини мустаҳкамлаш учун, мустамлакачиликни узил-кесил тугатиш ишига ёрдам бериш учун ниожи бўлган ҳамма чорани кўради.

Биз шу нарсани тушунамизки, деди сўнгра Мирзо Турсунзода, Осиё ва Африка қитъаларининг империализм зулмидан яқинда халос бўлган ёш давлатлари ҳаётида иқтисодий мустақиллик учун кураш алоҳида аҳамиятга эгадир. Биз социал-снёсий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини қатъий равишда ва изчиллик билан амалга оширишгина бу курашда муваффақият келтириши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Совет халқи билан Африка ва Осиё халқлари қадимий дўстлик алоқалари билан боғланган, деди пировардида Мирзо Турсунзода. Бу дўстлик умумий тинчликни таъминлаш учун, мустақил тараққиёт йўлига тушиб олган мамлакатларнинг тўла озодлиги учун биргаликдаги курашда мустаҳкамланди. Совет Иттифоқи билан Танганьика ўртасида ҳам ана шу дўстлик алоқалари ўрнатилган. Мен қулай фурсатдан фойдаланиб, Африкадаги ана шу мамлакат халқига Совет бирдамлик комитети номидан самимий салом йўллайман ва миллий экономикани мустаҳкамлашда, ўз суверенитетини кучайтиришда янги ғалабалар тилайман.

15 КУНДАН БЕРИ ҚОР ЁҒМОҚДА

ТОКИО. Хонсю оролининг ғарбий қирғоғида қор 15 кундан бери деярли тинмай ёғмоқда. Қорнинг қалинлиги икки метрдан ошди. Фукуи префектураси районларининг бирида ерни тўрт метр қалинликдаги қор қоплади. Бундай кўп қор қирғоқ тарихида 80 йилдан буён ёғмаган эди.

Мамлакат тарихидаги энг кўп қор ёғиши натижасида 69 киши ўлган, юздан ортиқ киши ярадор бўлган ва бедарак йўқолган. 1500 га яқин уй вайрон бўлган. Деярли бутун ғарбий қирғоқда темир йўл ва автомобиль қатнови тўхтаб қолган. Кўп поездлар йўлда қорга ботиб қолиб, тайинланган жойларга ета олмаган. Уларни қордан чиқариб олиш ва темир йўлларни тозалаш учун Симанэ, Нигата, Фукуи, Исикава ва бошқа префектураларга мамлакатнинг қолган районларидан темир йўлчилар жўнатилди. Бу ерларга озиқ-овқат ва ёнилғи етказиб бериш учун махсус отрядлар юборилди. (ТАСС).

„ФРАНЦИЯ СОВУҚДАН ҚАЛТИРАМОҚДА"

ПАРИЖ, 29 январь. ТАСС мухбири **Г. Драгунов** хабар беради: Франция ҳали ҳам одатдан ташқари совуқлар исканжасида турибди. Мамлакатнинг айрим рай онларида совуқ 20 градусга ва ҳатто 27 градусга етмоқда. Кўпгина катта дарёлар, шу жумладан Сена ва Луара дарёларининг анча қисми яхлаб қолди, каналларда юк кемалари ва баржалар бир неча ҳафтадан бери музлаб қотиб ётибди. Денгиз портларининг, автомобиль транспортининг иши тўхтаб қолди.

Бугун Париж газеталарида жуда ваҳималик сарлавҳаларни ўқиш мумкин: Пойтахтдаги кўмир ва мазут кўпи билан бир ҳафтага етади. Хўш, кейин нима бўлади? Кўп квартираларда термометр атиги 15—16 градусни кўрсатиб турибди.

Парижнинг ва унинг атрофида бўлган кўп жойларнинг аҳолиси совуққа чидай олмай, бир ойдан бери ўз квартираларини чўян печка билан иситмоқдалар. Натижада ёнғинлар жуда кўпайиб кетди. Тур шаҳри яқинидаги Дош деган жойдаги фабрикага кеча ўт тушиб, фабрика ёниб кул бўлди (икки миллион франклик зарар етди). Ҳозирги совуқлар сабабли одамлар ҳалок бўлаётганлиги тўғрисидаги хабарлар деярлик ҳар кун келиб турибди. Йўлларда совуқдан қотиб қолаётган одамлар кўп. Газеталарнинг бугунги хабарларида айтилишича, Лионда том тагида иситилмайдиган бир хонада яшовчи ишчининг оиласида 4 яшар бола ўз кроватида музлаб қолган. Чоллар ва инвалидлардан кўп кишилар совуқдан ҳалок бўлмоқда, чунки улар жуда оз нафақа олаётганликлари сабабли иссиқ уй тоза олмайдилар ва нархи ошиб кетган кўмирни сотиб олишга қодир эмаслар.

«Юманите» газетасининг ёзишича, парламент аъзолари, жумладан коммунист депутатлар Вальдек Роше ва Морис Нилес совуқ азобини тортаётган меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилаш учун дарҳол чоралар кўришни талаб қилганликларига қарамай, ҳукумат бу талабларга қулоқ солмади. Франциянинг ҳукмрон доиралари, деб ёзади газета, французларнинг манфаатларини монополияларга қурбон қилдилар: «Умумий бозор» тўғрисидаги битимга биноан, Франция Ғарбий Германиядаги кўмир трестларининг ва француз нефть монополияларининг манфаатларини кўзлаб, Франциядаги кўмир саноатининг ишини камайтириб қўймоқда. Худди шу мақсад билан Франция ҳукумати қиш арафасида Донец антрацит кўмирини харид қилишни камайтириб қўйди.

«Франция,— деб ёзади «Юманите» газетаси, совуқдан тиш-тишига тегмай қалтираётган бўлса ҳам, лекин де Голль ҳукумати монополияларнинг манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қилиб қўймоқда...»

ИСТИРОҲАТ ЗОНАЛАРИ

МОСКВА. Мамлакатимиздаги кўпгина парклар ажойиб истироҳат зоналари бўлиб қолди. Яшил хиёбонларда ўнлаб аттракционлар, театр ва очиқ саҳналар, кутубхона ва кафелар сингари бинолар муттасил қуриб келинмоқда.

Ўтган йили СССР Маданият министрлиги билан «Известия» газетаси редакцияси ўтказган Бутуниттифоқ кўригида 800 дан кўпроқ маданият ва истироҳат парки қатнашди. Ҳозир ана шу кўрикка якун ясалди.

Москвадаги учта парк — Горький номли Марказий маданият ва истироҳат парки, «Сокольники» ва «Измайлово» парклари, Пушкино шаҳрининг парки ва Ленингоалдаги Киров номли парк; Свердлов, Таганрог, Қозон, Красноярск, Ставрополь шаҳарларининг марказий парклари; Уфадаги Луначарский номли шаҳар боғи энг яхшиларидан, деб топилди. Украинада Харьков, Одесса ва Винницадаги марказий парклар энг яхши парклар номини олди. Тошкент, Олмаота, Боку, Тбилиси, Ереван, Душанба ва Брестдаги парклар нинг ишига юксак баҳо берилди.

Баъзи бир республикалардаги маданий-оқартув ходимлари жорий қилган янгиликлар айниқса диққатга сазовордир. Бокуда денгиз бўйидаги паркда очиқ денгизга саҳни 70 квадрат метрли жуда катта экран ўрнатилган. Ҳар оқшом соҳилга тўпланувчи неча ўн минглаб бокуликлар шу ерда кинофильмлар томоша қилишади. Тошкентликлар Тельман номли паркни болаларнинг ажойиб шаҳарчасига айлантиришган. Бу паркда болалар учун бирталай аттракционлар бор. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06171. ИНДЕКС 64695 А. — 1520.